

БОҶИЙ ФИКРЛАР

Алоҳида олинган бир давлатдаги ҳар қандай можаро узоқ вақт давомида миллий чегаралар доирасида қолиб кета олмайди.

Ислом КАРИМОВ



Мажбурий берил нусха

ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
МILLIY KITOB PALATASI

INV. №

Kuch - bilim va tafakkurda

Ma'rifat

ENLIGHTENMENT

XALQ ZIYOLILARI GAZETASI

معرفت

1931-yildan chiqra boshlagan 2010-yil 11-dekabr, shanba № 98 (8331) ISSN 2010-6416

ХАВФСИЗЛИК ВА ҲАМКОРЛИК МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМАСИ

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 10 декабрь куни Москва шаҳрида бўлиб ўтган Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилоти (ОДКБ) Коллектив хавфсизлик кенгашининг сессияси ва МДХ Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисида иштирок этди.

Кремлда дастлаб ОДКБ Коллектив хавфсизлик кенгашининг сессияси бўлди. Унда мазкур ташкилотга аъзо мамлакатлар Президентлари қатнашди.

Музокарада ОДКБ доирасида хавфсизликни мустаҳкамлаш, халқаро терроризм, экстремизм, наркотрафик, трансмиллий уюшган жиноятчилик каби таҳдидларни бартараф этиш, коллектив хавфсизлик тизимини шакллантириш борасида ҳамкорликни ривожлантириш, ахборот хав-

фсизлигини таъминлаш масалалари муҳокама қилинди. Томонлар жорий йилнинг июнь ойида Қирғизистон жанубида юз берган воқеалар юзасидан фикр алмашдилар.

Президентлар ОДКБ давлатларига умумий таҳдидларнинг тезкорлик билан олдини олишни назарда тутадиган ҳужжатларни кўриб чиқдилар. Сессияда хавфсизликка таҳдид соладиган бошқа фавқулодда вазиятларда ОДКБнинг саъй-ҳаракатлари қандай бўлиши зарурлиги муҳокама қилинди. Турли таҳдидлар оқибатида келиб чиқадиган хавф-хатарларни бартараф этиш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Мамлакатимиз раҳбари ОДКБнинг энг муҳим вазифаси — аъзо давлатларни, аввало, ташқи таҳдидлардан ҳимоя қилишдан иборат эканини таъкидлади. Мам-

лакатлар ичидаги зўравонлик хатти-ҳаракатларига ҳеч қандай аралашувга йўл қўйиб бўлмайди. Бизнинг қатъий позициямиз шундан иборат, деб таъкидлади Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов.

Мамлакат ичидаги зўравонлик хатти-ҳаракатлари турли сценарийлар бўйича, ташқи кучларнинг бевосита аралашуви ва молиялаштируви орқали юзага келиши мумкин. Шу боис улар юзасидан бирор қарор қабул қилишдан аввал бундай хатти-ҳаракатларнинг ташкилотчиларини аниқлаб олиш зарур. Жорий йил 10—14 июнь кунлари Қирғизистон жанубида рўй берган воқеалар барчамиз учун сабоқ бўлиши керак. Чунки ўша фожиали кунларда юз мингдан зиёд қочқинларни бошпана, дори-дармон, озиқ-овқат ва бошқа зарур махсу-

лотлар билан таъминлаш керак бўлди. Бундан ташқари, мамлакатимизнинг аҳоли зич яшайдиган, кўп миллатли минтақаси — Фарғона водийси хавфсизлигини таъминлаш, чегарадаги вазиятни қатъий назорат қилиш зарур бўлди. Акс ҳолда, янада катта кўламдаги хунрезликлар рўй берган бўлур эди.

МДХ минтақасидаги давлатлар тарихидан ҳам бундай можароларга етарлича мисол келтириш мумкин. Озарбойжон ва Арманистон ўтган йигирма йилдан ортиқ вақт мобайнида Қорабоғ муаммосини тинч йўл билан ҳал этиш бўйича келиша олмаётгани ҳам шундан далолатдир.

ОДКБ муҳим минтақавий ташкилот сифатида фавқулодда вазият юзасидан бирор-бир чора-тадбир қўлланшдан аввал муаммонинг сабабларини, эҳтимолдаги

ташкилотчиларини аниқлаши, бундай ҳаракатларнинг оқибатларини олдиндан кўра билиши ва тўғри хулосалар чиқариши зарур, деб таъкидлади давлатимиз раҳбари.

Сессияда ОДКБ фаолиятига доир ташкилий масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Давлат раҳбарлари кенгашининг мажлисида МДХга аъзо мамлакатлар Президентлари иштирок этди. Томонлар МДХни ривожлантириш, унинг органлари фаолиятини такомиллаштиришга оид масалаларни кўриб чиқдилар.

Мажлисида минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб муаммолар юзасидан фикр алмашилди.

Анвар БОБОЕВ,
ЎЗА махсус мухбири.
Тошкент-Москва-Тошкент.

Фарғона шаҳридаги "Юлдузча" мактабгача таълим муассасаси "Баркамол авлод йили"да янгича қиёфа касб этди. Бу ерда асосий ва қўшимча биноларни таъмирдан чиқариш ҳамда иситиш тизимини янгилаш, боғча атрофини ободонлаштириш, болалар майдончасини қайта реконструкция қилиш ишлари амалга оширилди. Малакали тарбиячи ва мураббийлар жалб этилган ушбу боғчада компьютер хонаси ташкил этилган, болажонлар замонавий ахборот технологиялари билан ишлаш борасида дастлабки билим ва кўникмага эга бўлмоқда.

Суратларда: "Юлдузча" болалар боғчасида машғулотлар пайти.

Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎЗА) олган суратлар.



ГАЗЕТАНИ ВАРАҚЛАГАНДА

САНЪАТНИНГ МЎЪЖИЗАКОР КУЧИ

ёшларни эзгуликлар сари етакламоқда

3-бет

КУЧ — БИЛИМ ВА ТАФАККУРДА

2010 — 2011 ўқув йили учун Ўзбекистон Республикаси Президенти стипендиялари танлови ғолиблари

8—9-бетлар

ТАЛАБАНИНГ КИЧИК ИХТИРОСИ

мутахассислар эътирофи сазовор бўлди

7-бет

ҚАХРАТОН «ТАФТИ»

12-бет

ДИҚҚАТ, ОБУНА!

"Ma'rifat" газетасига 2011 йил учун обуна бошланди.

Азиз муштарийлар!

"Ma'rifat" саҳифалари

орқали таълим-тарбия соҳасида амалга ошириладиган ислохотлар натижалари, тизимда олиб бориладиган кенг кўламли янгиланишлар, ўқитувчилар фаолиятини, бевосита таълим-тарбия самарадорлигини янада оширишга йўналтириш мақсадида ишлаб чиқилаётган янги меъёрий-ҳуқуқий, методик ҳужжатлар билан тезкор равишда хабардор бўлишни истасангиз, ушбу нашрга 2011 йил учун обуна бўлинг.

Обунали "Матбуот тарқатувчи" ҳамда "Ўзбекистон почтаси" акциядорлик компанияларининг жойлардаги бўлимларида амалга оширишингиз мумкин.



Ma'rifat

Нашр кўрсаткичи — 150.

МЕДИА- МАҲСУЛОТЛАРНИНГ МИЛЛИЙ ФЕСТИВАЛИ

Пойтахтимизда Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси томонидан ташкил этилган "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришда нодавлат электрон оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва аҳамияти" мавзудаги медиа-форум доирасида Ижтимоий мавзудаги медиа-маҳсулотлар III миллий фестивали бўлиб ўтди.

Тадбир Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Бош прокуратура, Адлия, Соғлиқни сақлаш вазирликлари, Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Республика «Маҳалла» жамғармаси, Журналистлар ижодий уюшмаси, «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» ва «Меҳр нури» жамғармалари, Ўзбекистон Экологик ҳаракати, ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ҳамда бошқа бир қатор халқаро ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилди.

Мамлакатимизда Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида фуқаролик жамияти институтлари тизимида оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва ролини янада мустақамлаш, уларни янада эркинлаштириш, нодавлат электрон оммавий ахборот воситалари фаолиятини

жонлантириш, жамиятимизда юз бераётган воқеликни ошқора ва холис тарзда ёритишнинг замонавий электрон медиа-тизимини яратиш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Ижтимоий мавзудаги медиа-маҳсулотлар III миллий фестивалидан кўзланган мақсад — электрон оммавий ахборот воситалари ходимларининг касб салоҳиятини янада юксалтириш, долзарб мавзуларда тайёрланаётган телерадиоматериалларнинг сифати, савияси ва таъсирчанлигини ошириш, мазкур йўналишдаги илғор иш тажрибасини оммалаштиришдан иборат.

Жорий йилдаги фестивалга юздан ортик муаллифдан тўрт юздан зиёд ижодий иш тушди. Бу нодавлат электрон медиа-тармоқлар фаолияти такомиллашиб, худудий нодавлат телерадиостанцияларнинг эфир вақти ижтимоий аҳамиятга молик кўрсатув ва эшиттиришлар билан бойиб бораётганидан далолатдир.

Фестивалда турли номинациялар бўйича голиблар аниқланиб, диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Орипов иштирок этди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири

"Баркамол авлод йили"
Давлат дастури доирасида
Наманган шаҳрида Ёшлар
маркази фойдаланишга топширилди

Ёшлар бугунимиз ва келажакимизни белгиловчи салоҳиятли кучдир. Мамлакатимизда навқирон авлоднинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, ўғил-қизларни миллий истиқлол ғоясига садоқат руҳида тарбиялаш, ҳар томонлама баркамол инсонлар этиб вояга етказиш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланган.

Ана шундай юксак эътибор ва ғамхўрлик самаралари Ўзбекистон ёшларининг илм-фан, спорт, санъат, тadbirkorlik ва

2010-yil — Barkamol avlod yili

лойиҳалар", "Компьютер саводхонлиги", "Фотоҳаваскорлик" каби ўн олти йўналишдаги тўғарақларда, шунингдек, "Ёш тadbirkorлар", "Бунёдкор ёшлар" сингари клубларда ўз билимларини бойитиш, истеъдодларини намоён этиш, танлаган йўналишлари бўйича янгиликлардан хабардор бўлиб бориш имкониятига эга. Шунингдек, 400 ўринли томоша зали, 50 ўринли конференция зали маданий, маънавий-маърифий тadbirkorлар, киносеанслар ўтказишга, яна бир зал халқ бадий хунармандчилиги, амалий санъати,

ЁШЛАР МАРКАЗИ ИШ БОШЛАДИ

бошқа соҳаларда эришаётган улкан ютуқларида ўз ифодасини топмоқда.

Ёшлар марказининг тантанали очилиш маросимида шулар хусусида сўз юритилди. Унда кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Ёшлар маркази юртимизда ёш авлод камолоти йўлида амалга оширилаётган эзгу ишларнинг яна бир кўринишидир. Шаҳар кўрқига кўрк қўшиб турган бу муҳташам саройда ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаолигини ошириш, дунёқарашини кенгайтириш, интеллектуал ва ижодий салоҳиятини ривожлантириш, жисмоний чинқишларига кўмаклашиш, касбунарсан ўрганишлари учун барча шароит муҳайё этилган.

Марказда жойлашган маҳорат мактабида ёшлар "Архитектура ва дизайн", "Баҳс ва мунозара", "Уста ва шогирд", "Хорижий тиллар", "Ёш журналистлар", "Миллий чолғу асбоблари", "Ижтимоий

таъсирий санъат, ҳайкалтарошлик асарлари кўргазмаларини намоиш этишга мўлжалланган.

Бу ерда янги оила қураётган ёшларнинг никоҳини қайд этиш, "Соғлом ҳаёт асослари", интернет тармоғига уланган ахборот-ресурс бўлимлари ҳам фаолият кўрсатади.

Спорт залида юздан зиёд йигит-қиз спортнинг ўнга яқин тури билан шуғулланиши мумкин.

— Ушбу марказ вилоятимиз ёшлари учун улкан тўғфа бўлди, — дейди стол тенниси бўйича мураббия Севара Қодирова. — Бу Юртбошимиз томонидан биз ёшларга кўрсатилаётган чексиз эътибор ва ғамхўрлик, истиқлол берган имкониятлар шарофатидир.

Тадбирда Наманган вилояти ҳокими Б.Юсупов иштирок этди.

А.САТТОРОВ,
ЎЗА мухбири



Сергели тиббиёт коллежида тароватли олтин фаслнинг якуни муносабати билан "Куз неъматлари" деб номланган тадбир бўлиб ўтди. Кўрик-танлов тарзида ташкил этилган тадбирда коллежнинг "Даволаш иши", "Тиббий про-филактика", "Ҳамширалик иши", "Стоматология" йўналиши бўйича таҳсил олаётган ўқувчилар ўзаро беллашдилар. Танловда гуруҳлар куз неъматларидан дастурхон тузаш, куз салатлари ва эркин мавзуда ижод қилиш каби шартлар бўйича ўз имкониятларини синовдан ўтказдилар.

Ушбу тадбирдан мақсад, ўқувчиларимизни билим олиш билан бирга жамоат ишларида ҳам фаол иштирок этишларини таъминлашдан иборат, — дейди таълим муассасаси "Даволаш иши" бўлими мудир Солиҳ Алимов.

Сохиба Жўраева
А.ХАЙДАРОВ олган суратлар.



БАРҚАРОРЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

Президентимиз Ислон Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» маърузасида юртимизда кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнида аҳолининг барча қатламлари манфаатларини ҳимоялаш, фуқаролик жамияти институтлари, нодавлат но-тижорат ташкилотларни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

Республика Байналмилал маданият марказида "Ёшларни миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик руҳида тарбиялаш — фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг муҳим омили" мавзуда ўтган илмий-амалий анжуманда шулар ҳақида сўз борди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти, Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Республика

«Тасвирий ойна» ижодий уюшмаси ҳамкорлигида ташкил этилган анжуманда турли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари, юртимизда фаолият кўрсатаётган миллий-маданий марказлар, хорижий дипломатик корпус ва халқаро ташкилотлар вакиллари, ўқитувчилар, маҳаллалар раислари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, талаба-ёшлар иштирок этди.

Республика Байналмилал маданият маркази директори Н.Муҳаммадиев, Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазири Б.Ҳодиев, Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ директори А.Саидов, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти директори ўринбосари А.Ҳамдамов, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита раиси вазифасини бажарувчи О.Юсупов ва бошқалар Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида кучли фуқаролик жамиятига асосланган ҳуқуқий демократик давлат қуриш йўлида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар самарасида юрти-

миздаги барча миллатлар ва диний конфессиялар ўртасида аҳиллик, бағрикенглик ва дўстлик муҳити қарор топганини таъкидлади.

Республика Байналмилал маданият маркази томонидан «Баркамол авлод йили» Давлат дастури доирасида амалга оширилган маданий-маърифий лойиҳалар, дўстлик фестиваллари, ижодий кўрик-танловлар, илмий-маърифий анжуманлар, концерт ва кўргазмалар юртимиздаги турли миллат ёшларини эзгу ғоялар асосида тарбиялашга, ёт ва зарарли мафкуравий таҳдидлардан ҳимоялашга хизмат қилмоқда.

Анжуманда миллатлараро тотувликнинг ҳуқуқий асослари, фуқаролик жамиятининг шаклланишида нодавлат ташкилотларнинг ўрни, ёшларни диний бағрикенглик руҳида тарбиялашнинг асосий омилларига бағишланган маърузалар тингланди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика хотин-қизлар қўмитаси раиси Ф.Акбарова сўзга чиқди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири

САНЪАТНИНГ МЎЪЖИЗАКОР КУЧИ

ёшларни эзгуликлар сари етакламоқда

Музыка ва санъат гўзаллик, нафосат олами. У шундай мўъжизакорки, инсонлар қалбига эзгулик уруғларини қадаб, тинчлик, тотувлик ва бирдамликка чорлайди.

Президентимизнинг «Болалар музыка ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида республикамизнинг барча ҳудудларидаги жами 278та мактабни янгидан қуриш, реконструкция қилиш режалаштирилган. Ўтган икки йил ичида республикамиз бўйича 52та мактабда қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Шундан 14та таълим муассасаси биноси бутунлай янгидан қурилди. 2011 йилда эса жами 65та болалар музыка ва санъат мактабида бунёдкорлик ишлари давом эттирилади.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 18 йиллиги тантаналари давом этаётган айни кунларда янги биналарда санъат сирларини ўрганаётган болажонлар томонидан жойларда ҳисобот концертлари ташкил этилмоқда.

Шайхонтоҳур туманидаги 23-болалар музыка ва санъат мактабида ташкил этилган байрам дастури мактабнинг янги қурилган концерт залида ўтди. Ўқувчилар ижросидаги ранг-баранг кўшиқлар, хусусан, «Янги авлод-2010» республика танлови ғолиби Абдуазиз Абдуназаров ҳамда Муҳайё Собированинг фортепиано ва

дуртордаги ижролари барчага манзур бўлди. «Настарин» гуруҳининг «Наҳори нашта» кўшиғи эса йиғилганларни рақсга чорлади.

— Муассасамизнинг замонавий музыка анжомлари ва жиҳозлар билан таъминланиши ёш авлоднинг маънавий олами ва салоҳиятини юксалтириш, миллий ва жаҳон музыка маданияти но-

дир намуналаридан кенг баҳраманд бўлиши учун шароитлар яратди. Бугунги байрам ҳам яратилган имкониятдан фойдаланилган ҳолда юқори савияда ташкиллаштирилди, — дейди мактаб директори Олим Муҳитдинов.

Наргис ҚОСИМОВА,
«Ma'rifat» мухбири

Бухоро шаҳридаги 4-болалар музыка ва санъат мактабида ўтган байрам тадбири хор гуруҳининг кўринки руҳдаги ижроси билан бошланди. Унда мактаб ўқувчилари устозларидан олган билим ва маҳоратларини чиройли безатилган янги сахнада намойиш этишди.

— Янги ўқув йилини 150 ўринга мўлжалланган замонавий бинода ўзгача иштиёқ билан бошладик, — деди мактаб директори Мўмин Ҳожиев. — Албатта, бу ғамхўрликларга жавобан тинмай меҳнат қилиш, санъатга иштиёқманд қалблардаги учкунларни аланга олдириш, уларни санъатнинг катта йўлига кузатиш бутун жамоамизнинг бурчидир.

— Мактабимиз давлат дастури асосида 768 млн. сўмлик маблағ ҳисобидан қайта таъмирланди, — деди Вобкент туманидаги 8-Болалар музыка ва санъат мактаби директори Озод Одилов. — Бугун болаларимизнинг дарсдан бўш вақтларида санъатимиз дурдоналарини ўрганишлари учун барча шароитлар муҳайё. 210 ўринли фоллар зали қурилиб, иситиш тизимлари қайта таъмирланди. Шунингдек, барча йўналишларда иш олиб борувчи ўқитувчиларимиз учун алоҳида шинам синф хоналари ажратилиб, фаолиятимизга янгича руҳ бағишлади.

Сора ТОШЕВА,
«Ma'rifat» мухбири



Гулистон шаҳридаги 2-болалар музыка ва санъат мактабида ташкил этилган ҳисобот концертини ўқувчи ва педагоглар жамоаси эришаётган ютуқларнинг ўзига хос намойиши, дейиш мумкин. Давлат дастури асосида янгидан қурилиб, фойдаланишга топширилган мазкур мактабнинг қурилиш ишларига 1 млрд. 758 млн. сўмлик маблағ ажратилди.

Тадбир дастуридан истиқлол, Ватан ва юрт тинч-

лиги ҳақидаги гўзал куй-кўшиқлар, дилрабо рақслар ўрин олди. Айниқса, мактаб бадий дастаси аъзоларининг чиқиши байрамга ўзгача шуқуқ бағишлади.

Шу каби концерт дастурлари, шунингдек, янгидан барпо этилган Боёвут ҳамда Сардоба туманларидаги музыка ва санъат мактабларида ҳам намунали тарзда ўтказилди.

Бойжигит АБДУЛЛАЕВ,
«Ma'rifat» мухбири



Юнусобод туманидаги 26-болалар музыка ва санъат мактабида бўлиб ўтган ҳисобот концерти болажонларнинг чинакам санъат байрамига айланди. Унда 20 нафардан ортиқ ўқувчи алоҳида ва гуруҳ бўлиб, ўз билим ва бор маҳоратларини ота-оналари ва устозларига тақдим этди.

— Мактабимизда 5та йўналиш бўйича 220 нафар ўқувчи таҳсил олмақда, — деди таълим муассасаси

директорининг маънавият ва маърифат ишлари бўйича ўринбосари Марғуба Абдуллаева. — Реконструкция ишларига давлатимиз томонидан 1 млрд. 25 млн. сўмлик маблағ ажратилиб, музыка ва санъатни ўрганишга меҳри баланд болажонлар учун замон талабларига мос, зарур жиҳозларга эга бўлган замонавий бино барпо этилди.

Соҳиба МУЛЛАЕВА,
«Ma'rifat» мухбири

Қораўзак туманидаги 16-болалар музыка ва санъат мактабида бугунги кунда фортепиано, ўзбек халқ чолғулари, тасвирий санъат, эстрада ва фольклор каби жами 5та йўналишда 156 нафар ўқувчи таҳсил олмақда. Ушбу мактабнинг янги биносига 1 млрд. 800 млн. сўмлик маблағ сарфланиб, у замонавий кўринишда қад ростлади.

Ҳисобот концертида мактаб ўқувчилари томонидан қорақалпоқ, ўзбек, рус, туркман ва бошқа тил-

ларда Ватан, истиқлол ҳақидаги кўшиқлар ижро этилди.

— Замонавий талабларга мос бунёд этилган таълим муассасасида ўқувчиларимизнинг чуқур билим эгаллаши учун зарур шароитлар яратилган. Бу ҳукуватимиз томонидан ўқувчи-ёшларга берилаётган эътиборнинг бир тимсолидир, — деди мактаб директори К.Утегенов.

Азамат ПИРНИЯЗОВ,
«Ma'rifat» мухбири

Сурхондарё вилоятининг Термиз туманидаги 13-болалар музыка ва санъат мактабида бўлиб ўтган концерт дастури устозлар ансамблининг ўзбек халқ куйи — «Шарафи» ижроси билан бошланди. Шундан сўнг ўқувчилар томонидан фортепьяно, ўзбек халқ чолғулари, хор ва оркестр, вокал, рақс каби йўналишларда гўзал санъат намуналари тақдим этилди.

— Мактабимизга давлат дастури асосида 1 млрд. 660 млн. сўмлик маблағ ажратилди. Бугунги кунда санъат йўналишларига доир ташкил этилган бта бўлимда 89 нафар ўқувчи музыка ва санъат сирларини шинам, замон талабларига мос келадиган янги бинода ўрганмоқда, — деди мактаб директори Жўра Сафаров.

Норқувват ТўРАЕВ,
«Ma'rifat» мухбири

ХАЁТДА КИШИЛАРГА ЭЗГУЛИК УЛАШИШ, ЎЗГАЛАР ДАРДИГА ДАРМОН БЎЛИШ, ЎКСИК ДИЛЛАРНИ ШОД АЙЛАШ БИЗДА КАДРИЯТГА АЙЛАНГАН. БУ МУҚАДДАС АНЪАНАГА СОДИҚ ҚОЛИШ ВА УНИ АВЛОДЛАРГА ЕТКАЗИШ ҲАР БИРИМИЗНИНГ БУРЧИМИЗДИР.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни арафасида вилоят ҳокимлиги, прокуратураси ҳамда бир қатор ҳомий ташкилотлар вакиллари барча махсус мактаб-интернатларга, хонадонларга ташриф буюриб, имконияти чекланганларга, ёлғиз кексалар, боқувчисини йўқотган оила аъзоларига мурувват кўрсатиб, турли совғалар улашди.

Вилоят халқ таълими бошқармаси фаоллар залида Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати Ўзбекистон Лидерал демократик партияси ҳудудий кенгаши, вилоят ахборот-ресурс маркази ва халқ таълими бошқармаси ҳамкорлигида «Меҳр мурувват — ҳаёт зийнати» мавзусида байрам тадбирлари бўлиб ўтди. Бу ҳар бир имконияти чекланган бола эътиборда эканлигидан далолатдир.

Тадбирда «Лочин» номли 8-МТМ тарбияланувчиларининг, Қарши шаҳар халқ таълими бўлими тасарруфидаги 10-умумтаълим мактаби ўқувчиларининг, вилоят 17-махсус мактаб-интернати ўқувчиларининг мусикий байрам дастурлари намойиш этилди.

Вилоят Кўғирчоқ театри ижодкорларининг «Ўлмас жайрон» спектакли томошабинларга ўзгача кайфият бахш этди.

Ўктам МЕЙЛИЕВ.

Қашқадарё вилояти

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НУКУС ШАҲРИДАГИ ХТБГА ҚАРАШЛИ 27-УМУМТАЪЛИМ МАКТАБИДА БЎЛИБ ЎТГАН БАЙРАМ КЕЧАСИГА МАКТАБ ЖАМОАСИ, ОТАОНАЛАР, ШАҲАР ХТБНИНГ ТАРИХ, ҲУҚУҚ ФАНИ МЕТОДИСТЛАРИ ВА ЖОЙЛАРДАН ТАКЛИФ ЭТИЛГАН МЕҲМОНЛАР ИШТИРОК ЭТДИ.

Дастлаб 7-синфда «Олтин низом» мавзусида очик дарс ўтилиб, унда ўқитувчи Гулсара Нуруллаева ўқувчиларга Конституциянинг, жамиятимиз ва турмушимизда тутган ўрни ҳақида кенг тушулнча бериб ўтди. Шундан сўнг байрам қатнашчиларига мактаб ўқувчилари томонидан тайёрланган концерт дастури такдим этилди. Мактаб ўқувчилари турли миллат вакиллари тилларида кўшиқлар ижро этиб, йиғилганларга Конституция ва унинг боблари ҳақида турли сахна кўринишларини намойиш этишди.

А. ПИРНИЯЗОВ,
«Ma'rifat» мухбири

ҲАР БИР ИНСОН КОНСТИТУЦИЯГА ЎЗИНИНГ ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИ КАФОЛАТЛАБ БЕРУВЧИ ОЛИЙ ҲУҚУҚИЙ ҲУҶЖАТ СИФАТИДА ҚАРАЙДИ. МАЪЛУМКИ, ДЕМОКРАТИК ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТ ҚУРИШ ЙЎЛИДАГИ ИЛК ҚАДАМ КОНСТИТУЦИЯНИ ЎРГАНИШ ВА УНИ ХАЁТГА ТАТБИҚ ЭТИШДАН БОШЛАНАДИ.

— Ўсиб келаётган ёш авлодга ҳам Конституцияни тўлақонли ўргатиб бориш бош вазифамиз. Дарс жараёнида болаларга Қомусимизнинг мазмун-моҳиятини атрофлича тушунтириб бериш учун ЯПТ ва турли интерфаол ўйинлардан самарали фойдаланамиз. Ўқувчиларнинг бу борадаги билимини мустаҳкамлашда турли мавзудаги давра суҳбатлари, интеллектуал беллашувлар, гуруҳлар, синфлараро баҳслар ҳам самарали натижа берапти. Ҳар чоракда ҳуқуқшунослар иштирокидаги давра суҳбатлари ўтказилади ва бунинг натижасида ўқувчиларнинг ҳуқуқ соҳасидаги дунёқарашлари кенгайиб бормоқда, — дейди Бухоро туманидаги 42-мактабнинг тарих ва ҳуқуқ фани ўқитувчиси Мавлуда Тўхсанова.

«Конституция — ҳуқуқ ва эркинликларимиз кафолати» мавзусида юқори синф ўқувчилари ўртасида беллашув ва байрам тадбирлари ўтказилди. Унда ўқувчилар конституциянинг кўпгина боб, бўлим ва моддаларини шарҳлаб берди ва турли моддаларга оид сахна кўринишлари намойиш этишди. Синфларнинг бадий чиқишлари тўпланганларга манзур бўлди. Ушбу тадбирда 9-синф ўқувчиларидан Зарина Атоева, Моҳинур Сайфуллаева, Гулшан Шерова сингарилар алоҳида фаоллик кўрсатиб, ҳуқуқий саводхон эканликларини кўрсата олдилар.

Сора ТОШЕВА,
«Ma'rifat» мухбири

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ МАТБУОТ МАРКАЗИДА «КОНСТИТУЦИЯ — МАҲАЛЛА ИНСТИТУТИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ БОШ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ» МАВЗУСИДА МАТБУОТ АНЖУМАНИ БЎЛИБ ЎТДИ.

— Мустақилликнинг илк кунлариданок ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини шакллантириш ва ривожлантириш масаласига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда, — дейди Тошкент Давлат юридик институти «Конституциявий ҳуқуқ» кафедраси ўқитувчиси Шерзод Зулфиқоров. — Ҳуқуқшуносларнинг фуқаролар турмушини яхшилаш, жамоатчилик назоратини кучайтириш, маҳалла фуқаролар йиғини раислигига муносиб номзодни сайлашдаги иштироки ошиб бормоқда.

Анжуманда Тошкент Давлат юридик институтининг профессор-ўқитувчилари, магистратура ва бакалавриат босқичи талабалари, республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси вакиллари ҳамда Тошкент шаҳридаги маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари иштирок этиб, ўзаро фикр алмашишди.

Моҳичехра ЛАТИПОВА



ЎЗБЕКИСТОН БАДИИЙ АКАДЕМИЯСИ ҲАМДА ТОШКЕНТ ФОТОСУРАТЛАР УЙИ РАҲБАРИЯТИ ҲАМКОРЛИГИДА БОШ ҚОМУСИМИЗНИНГ 18 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН «ЎЗБЕКИСТОН — БИЗНИНГ ВАТАНИМИЗ» ДЕБ НОМЛАНГАН ФОТОКЎРГАЗМА ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.

Кўرғазманинг очилиш маросимига таниқли фоторассомлар, журналистлар, санъат ихлосмандлари, талаба-ёшлар ташриф буюришди. Экспозицияда Рустам Шагаев, Фарход Курбонбоев, Владимир Соколов, Рустам Шарипов, Константин Минайченко сингари таниқли фоторассом ва фотожурналистларнинг ижод намуналари кўйилди. Ўз ижодини энди бошлаётган Темур Курбонбоев, Анвар Ҳужаниёзов ва бошқа истеъдодли ёш ижодкорларнинг ҳам 50дан ортиқ асарлари намойиш қилинди. Суратларда фуқароларнинг намойи ва фаровон ҳаёт тарзи, барқарор иқтисодий-ётимиздаги ислохот жараёнлари, миллий ва умуминсоний кадриятлар акс эттирилган. Конституция байрами арафасида ташкил этилган бундай кўрғазма қонунларнинг ҳаётга қай даражада татбиқ этилаётгани ва халқимиз ҳаётида тутган ўрни ёритиб беришга хизмат қилмоқда.

Анвар ҚОБИЛОВ,
«Ma'rifat» мухбири

9-СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИ ЎРТАСИДА «ДАВЛАТИМИЗ РАМЗЛАРИНИ БИЛАСИМИ?» ШИОРИ ОСТИДА ИНТЕЛЛЕКТУАЛ БЕЛЛАШУВ ЎТКАЗДИМ. МУСОБАҚАДА «АДАБИЁТЧИ», «ДЎСТЛИК», «МАЁҚ» ЖАМОАЛАРИ ЎЗАРО БАҲС ЮРИТДИ.

Ўқувчиларим давлат рамзларининг қайси санада қабул қилингани, унинг аҳамиятини баён этишди. Саволлар слайд шаклида тайёрлангани учун тезкорлик, ҳозиржавоблик талаб қилинар, аммо шунга қарамай, гуруҳлар бир-бирдан қолишмасликка интилишарди. Тарихий ва замонавий архитектура иншоотларига ўқувчиларнинг ўз нуқтаи назарини ифодалаб бериши беллашувга ўзгача мазмун бағишлади.

9-«а» синфининг «Адабиётчи» жамоаси сўнги-сардорлар беллашувида юқори балл тўплаб, бошқаларидан устун келди. Ўқувчиларимни мусобақада фаол иштирок этганликлари учун ҳар бирини турли номинациялар бўйича рағбатлантирдим.

Юлдуз ХАМДАМОВА,
Тошкент шаҳридаги 227-мактаб
Рус тили ва адабиёти фани ўқитувчиси

СОБИР РАҲИМОВ ТУМАНИДАГИ «ДАВР БОЛАЛАРИ» НОМИДАГИ 106-МТМ ҲОВЛИ САҲНИ ҲАР ДОИМГИДАН АНЧА ГАВЖУМ.

Сабаби, мазкур таълим масканида ҳам Конституцияимизнинг 18 йиллик шодиёналари кўтаринки кайфиятда ўтказилмоқда. Бу ерда муассасада фаолият олиб бораётган 10та гуруҳда мужассамланган 250 нафар болажон ва уларнинг ота-оналари, яқинлари шай бўлишди. Тадбирда сўзга чиққанлар болаларнинг ҳам беғубор орзу-интилишларини рўёбга чиқаришга, истеъдодини камол топтиришга, фаол фуқаролик позициясини шакллантиришга қаратилган конституциявий ҳуқуқ ва бурчларнинг моҳияти тўғрисида қизиқарли маълумотларни келтириб ўтди.

Шундан сўнг тарбияланувчилардан иборат болалар дастаси томонидан ижро этилган кўшиқ, унга монанд маза қилиб рақс тушаётган кичкинтойларга барчанинг ҳаваси келарди.

А.ҚОБИЛОВ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК ИНСТИТУТИ ҲАМДА ТОШКЕНТ РАДИОТЕХНИКА КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖИ ҲАМКОРЛИГИДА ҚАТОР ТАДБИРЛАР ЎТКАЗИЛДИ. ЖУМЛАДАН, «ЎЗБЕКИСТОНДА ИНСОН ҲАҚ-ҲУҚУҚЛАРИ УСТУВРОЛИГИНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ АСОСЛАРИ» МАВЗУСИДА ДАВРА СУҲБАТИ, ШУНИНГДЕК, КОЛЛЕЖ ЎҚУВЧИЛАРИ ЎРТАСИДА «СЕН ҚОНУННИ БИЛАСАНМИ?» КЎРИК-ТАНЛОВИ УЮШТИРИЛДИ.

Тадбирларда Республика маънавият тарғибот маркази Юнусобод туман бўлими мутахассиси, Тошкент шаҳар Юнусобод тумани «Камолот» ЁИХ, «Оила» илмий-амалий мутахассислари таклиф қилинди.

— Бундай тадбирлар ўқувчи-ёшларнинг ҳуқуқий билими ва маданиятини ривожлантиради — дейди ТДЮИ магистри Иномжон Тоғаев. — Айниқса, ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш, ёт оқимларга қарши кураш, Бош Қомусимизга ҳурмат руҳини шакллантириш мақсадларимизнинг асоси бўлди.

Тадбирларда фаол иштирок этган ўқувчилар коллеж ҳамда ТДЮИ маъмурияти томонидан фахрий ёрлик билан тақдирланди.

Ахрор ФАЙЗИЕВ,
ТДЮИ «Камолот» ЁИХ
«Тарғибот ва иқтидорли талабалар»
йўналиши етакчиси

БОШ ҚОМУСИМИЗНИНГ 18 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ МАДАНИЯТ САРОЙИДА «БАХТИМИЗ ҚОМУСИ — ЮРТ ТАЯНЧИ» МАВЗУСИДА ДАВРА СУҲБАТИ ЎТКАЗИЛДИ.

Журналистика факультети ҳамда «Камолот» ЁИХ томонидан ташкил этилган ушбу тадбирда сўз олганлар Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг эркин фуқаролик жамиятини қуришда, демократик жараёнларни чуқурлаштиришда, аҳолининг сиёсий фаоллигини оширишда, шунингдек, фуқароларнинг ижтимоий ва сиёсий ҳаётида ўзига хос ўрин тутиши ҳақида батафсил гапирдилар.

Талабаларнинг ҳуқуқий билимини юксалтиришга хизмат қилган мазкур давра суҳбати барча иштирокчилар учун фойдали бўлди.

Ўткир МАҲКАМОВ,
ЎЗМУ журналистика факультети талабаси

МАМЛАКАТИМИЗДА ШУ ЙИЛНИНГ 15 НОЯБРИДАН 15 ДЕКАБРИГАЧА ЁНГИН ХАВФСИЗЛИГИ ОЙЛИГИ ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН. ШУ МУНОСАБАТ БИЛАН ПОЙТАХТИМИЗНИНГ МИРОБОД ТУМАНИДАГИ 548-МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАСИДА ТАДБИР БЎЛИБ ЎТДИ.

Унда 5-ЎХБ ходимлари тарбияланувчиларга ёнгининг олдини олиш, унинг оқибатлари, хавфсизлик чоралари, эҳтиёткорлик ҳамиша муҳимлиги хусусида тушунтириш ишлари олиб боришди.

Шунингдек, мутахассислар ёнгин учирини мосламаларини ишлатиш усуллари тўғрисида ҳам гапирдилар.

Ольга Шарипова, Наталья Очилова каби тарбиячилар ўзларининг кўп йиллик тажрибаларидан келиб чиқиб, тарбияланувчиларга зарур кўрсатмалар бердилар.

МУҲБИРИМИЗ

«БОЛАНИНГ БЕГОНАСИ БЎЛМАЙДИ»

ёхуд таълим муассасаларида «тарбияси оғир» ўқувчилар билан қандай иш олиб бориш зарурлиги хусусида

Бугун мактабда — маънавий куни. 7 «Д» - синф раҳбари Индира Ахметшина тарбиявий соат мавзусини доскага чиройли қилиб ёзиб қўйди: «Толерантлик». Ўқитувчиларни ҳам, ота-онасини ҳам тартиб-интизоми, фанларни паст ўзлаштириши билан ташвишга кўяётган болалар учун тарбиявий соат алоҳида аҳамият касб этиши даркор. Бунга ҳар бир синф раҳбари эришиши мумкин. Қандай қилиб? Муаллима бу ҳақда кўп ўйлайди.

У бугунги дарсга Корей маданият маркази вакилини ҳам таклиф қилган. Мақсад — турли миллат вакиллари таълим олаётган мактабда миллий ва умуминсоний қадриятларнинг нечоғлик юксак туришини ўқувчиларга англатиш. Ўзбек, рус, инглиз, француз, испан, хитой тилларида ёзилган «толерантлик» сўзи ўқувчилар диққат-этиборини тортди. Муаллиманинг қисқача таърифидан сўнг, бир нечта гуруҳга ажратилган ўқувчиларга бу сўзни рамзий жиҳатдан ифодалаш топшириғи эълон қилинди. Улардан бири теппа-тенг бўлакдаги яшил олманинг расмини чизди. Демак, толерантликни у тенгликда деб биледи. Типра-тикан билан ёнма-ён турган қизалоқ — ҳайвонот оламига меҳр билан қараш. Нур сочиб турган қуёш — барчага баробар. Қисқаси, яхшилик, меҳр-мурувват тушунчасини ҳар бир ўқувчи ҳар хил талқин қилди.

Тарбиявий соатнинг мавзуга боғлиқ галдаги топшириғи: «Бир-бирингизга энг яхши тилакларингизни изҳор этинг!».

Хона бир пасда ўқувчиларнинг дил изҳорларига тўлди. Ўқувчиларнинг бир-бирларига айтаётган энг самимий тилакларидан синф раҳбарининг кўнгли кўтарилди.

Дарҳақиқат, мамлакатимиз умумтаълим мактабларида ёш авлод билан ишлашни яхлит тизимга солиш бўйича ўзига хос тажрибалар ҳосил қилинган. Дейлик, мактаб ўқувчилари 1000 нафар бўлса, улар орасида суст ўзлаштирадиган, майда ҳуқуқбузарликларни содир этган болалар ҳам учрайди. Тошкент шаҳридаги 282-умумтаълим мактаби педагогик жамоасининг айнан шу йўналишдаги саъй-ҳаракатлари муайян тизимга солинган. Ҳамза туман ички ишлар бўлими вояга етмаганлар билан ишлаш комиссияси рўйхатига ушбу

мактаб ўқувчилари тушмаган. Синф раҳбарлари ота-оналар билан ҳамкорликда амалиётда ёш авлодни умуминсоний қадриятлар ва миллий урф-одатларга муҳаббат руҳида тарбиялашнинг кўплаб механизмларидан фойдаланмоқда. Аввало, мактаб ўз ҳамкорлари — оила, маҳалла, ҳуқуқ-тартибот органлари билан мустақкам алоқа ўрнатган.

«Тарбияси оғир» бола қандай шароитда яшайди? Даставвал, ана шу саволга амалий жавоб изланади. Бунинг учун синф раҳбари, маҳалла фуқаролар йиғини вакили, нозир бола истиқомат қиладиган хонадонга бориб, унинг шарт-шароити билан танишади. Ота-онаси қаерда ишлайди, оила даромадлари қандай тақсимланади, боланинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондиришда эр-хотин қандай йўл тутаяди, каби масалалар синчиклаб ўрганилади. Бола учун алоҳида папка очилиб, унга тўпланган маълумотлар тикилиб борилади. Ушбу папкага бола билан иш олиб бориш режаси, турар жойи чизмаси, ундаги шарт-шароит, боланинг қандай касалликлар билан оғриганлиги тўғрисида маълумотнома, синф раҳбари томонидан берилган тавсифнома, унинг хулқи ва дарсларни чораклар, фанлар кесимида ўзлаштириши кўрсатиб борилади. Қараб-сизки, назоратга олинган боласини ижобий томонга ўзгартириш ота-онани ҳам ўйлантира бошлайди. Бир-галлашиб қилинган ҳаракат кўп ўтмай, қутилган натижани беради.

Мамлакатимизда вояга етмаганлар ўртасида рўй бериши мумкин бўлган ҳуқуқбузарлик ҳолатларининг олдини олиш, ўқувчиларни миллий ғоя руҳида тарбиялаш, уларнинг келажакда жамиятдан муносиб ўринларини топишларига қаратилган кўплаб ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар қабул қилинмоқда.

Ўқитувчилар мактаб ҳаётига дахлдор ёхуд тарбия жараёнини такомиллаштиришнинг шарт бўлган бундай қонун, қарор, фармон ва фармойишлардан ота-оналар ҳам хабардор бўлиши керак, деб ҳисоблайдилар. Шу боис, мактаб раҳбариятига янги ҳужжатлар келиб тушиши биланоқ ота-оналар, маҳалла фаоллари, ҳуқуқ-тартибот органлари ходимларини таълим масканига таклиф этишиб, кенгайтирилган йиғилиш ўтказишади. Ҳар бир ота-она ҳужжат юзасидан ўз фикр-му-

Tajriba

лоҳазасини, таклифини айтади. Ота-оналарнинг матбуотда эълон қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар мазмун-моҳияти билан чуқур танишиши уларда ҳуқуқий саводхонликни шакллантиради.

Зулхумор Ҳайитова, мактаб директори вазифасини бажарувчи:

— Мактаб ички рўйхатида турадиган 5 нафар ўқувчимиз билан қатъий тартибда иш олиб бораемиз. Бунинг учун уларнинг ота-оналари билан ҳуқуқий мавзуда учрашув ва суҳбатлар уюштирилмоқда. «Вояга етмаганларнинг назорат-сизлиги ва ҳуқуқбузарлиги профилактикаси тўғрисида»ги янги қонунни кенг жамоатчилик иштирокида муҳокама қилдик. Ушбу қонунни қабул қилишдан кўзланган мақсад ва вазифалар ота-оналарга ҳам тушунтирилди.

«Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»да илгари сурилган ғоялардан бири **фуқаролик институтлари кучи ва салоҳиятидан оқилона фойдаланишидир**. Мактаб педагогика кенгаши аъзолари концепцияда илгари сурилган **«Фуқаролик институтлари, нодавлат ноижорат ташкилотлари ҳозирги кунда демократик қадриятлар, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим омилига айланмоқда, фуқароларнинг ўз салоҳиятларини рўёбга чиқариши, уларнинг ижтимоий, социал-иқтисодий фаоллиги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш учун шароит яратмоқда, жамиятда манфаатлар мувозанатини таъминлаш-**

га кўмаклашмоқда» деган фикрлар жамиятимизда амалга оширилаётган ислоҳотларга узвий боғлиқ эканлигини яна бир бора эътироф этдилар.

Зайнаб Ғаниева, Имомал-Бухорий номидаги маҳалла фуқаролар йиғини раиси:

— Мактаб ўқувчилари ўртасида учрайдиган қонунбузарлик ҳолатларининг олдини олишда маҳаллалар катта куч. Айтишадикки, «Бир болага етти маҳалла ота-оналик қилади». Маҳалламиз ҳудудида 4938 нафар киши истиқомат қилади, оилалар сони эса 920та. Ўзим 282-умумтаълим мактабидега узоқ йиллар ишлаганим, ана шу ҳудудда яшаганим учун хонадонлар ҳақида ҳам унча-мунча маълумотга эгаман. Мактаб раҳбарияти, маҳалла фаоллари, ҳуқуқ-тартибот органлари ходимларидан иборат 9 кишилик комиссияга биздан ҳам вакил киритилган. Бир ўқув йилига мўлжаллаб тuzилган иш режасига мувофиқ, ҳар ойда бир маротаба мактаб фаоллар залига тўпланиб, ўқувчиларнинг тартиб интизоми, ўзлаштириши муҳокама қилинади.

Дўқ-пўписа, танбеҳ беришдан кўра болани яхши гап билан йўлга солиш осон, деб ўйлайман. Агар маҳалламизнинг боласи мактабда, кўча-қўйда, жамоатчилик жойларида номақбул хатти-ҳаракат қилганига ўзим гувоҳ бўлсам, «Сенинг аканг, опанг, тоғанг ёки амманг жуда одобли эди. Бунинг устига маҳалламиздан беодоб болалар чиқмаган, шунга муносиб бўлиш сенинг қўлингдан келади» дея яхши гап билан йўлга соламан. Болада ҳуқуқбузарлик ҳолатлари такрорланса, унга бир, икки ҳафталик ёки бўлмаса бир ойлик муддат белгиланади. Агар ана шу фурсат ичида болада яхши томонга ўзгариш бўлса, бу ҳақда боланинг ота-онасига маълум қилиниб, у мактаб ички рўйхатидан ўчирилади. Шу тариқа ўсмир назорат орқали тарбияланиб боради.

Мактаб педагогик жамоаси, раҳбарияти, унинг қошидаги жамоат ташкилотлари вояга етмаган ёшлар ўртасидаги тартиббузарликларнинг олдини олишга қаратилган чоратadbирларни умумлаштириб, қуйидаги услубий тавсияларни ишлаб чиққан:

— *маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосарининг ҳар бир синф раҳбари билан мустақкам алоқасини йўлга қўйиш;*

— *ҳар бир синф раҳбари ўз синфидаги «тарбияси оғир» болани ўз ҳолига ташлаб қўймадлиги, у билан индивидуал иш олиб бориши;*

— *тарбиявий соатларни ўтказишда умумийликдан чекиниш, уни аниқ мақсадга йўналтириш, машғулоти ноанъанавий усулда уюштириш;*

— *дарс жараёнида бундай ўқувчиларга алоҳида эътибор қаратиш ва уларни кичик муваффақияти учун ҳам синфдошлари олдида рағбатлантириб туриш;*

— *синф ўқувчилари жамоасида ҳар бир боланинг ўз ўрнини топиб олишига кўмаклашувчи муҳитни яратиш;*

— *бундай ўқувчиларнинг муайян соҳага қизиқиши ва мойиллигини аниқлаб, мактабдаги мавжуд тўғаракларга жалб қилинишини таъминлаш;*

— *ота-оналарга педагогик-психологик ёрдам кўрсатиш, уларнинг ўқувини таъмин қилиш, семинар-тренинг, баҳс-мунозаралар уюштириш;*

— *бола яшайдиган маҳалла фуқаролар йиғини раиси ҳамда маҳалланинг бошқа фаоллари билан мустақкам алоқа ўрнатиш. Йиллик иш режасини ҳамкорликда тузиш;*

— *«тарбияси оғир» болаларни назорат қилиш ва ўрганиш бўйича алоҳида папка юритиш. Ҳар пайшанба куни маънавий-маърифий йўналишдаги тадбирлар — маҳаллада истиқомат қилувчи меҳнат фахрийлари, тадбиркорлар, эл назарига тушган зиёлилар, ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари билан учрашув уюштириш, бунда ота-оналар, ўқувчиларнинг тўлиқ иштирок этишини таъминлаш.*

Бу тавсиялар — «тарбияси оғир» болалар билан ишлашда тўпланган ўзига хос тажриба умумлашмаси. Балки бошқа мактабларда бундан кўра намунали ишлар қилинаётгандир, лекин айнан шу йўналишда оқсаётган таълим даргоҳлари бу тавсияларни кенг миқёсда татбиқ этсалар, муваффақият улар томонда бўлишига шубҳа йўқ.

Хулқар ТҲИМАНОВА,
«Ma'rifat» мухбири

2009 йили Тошкент давлат техника университетининг «Электроника ва автоматика» факультетига давлат гранти асосида ўқишга қабул қилинган Эркин Жўраев айти пайтда фаол талабалар сафида бўлишга ҳаракат қилапти. Чунончи, унинг 2010 йилда ТДТУда ўтказилган фан ҳафталигида техника ва тараққиёт мавзусида қилган маърузаси экспертлар томонидан юқори баҳоланиб, «Энг яхши маъруза» номинациясида ғолибликка эришди. Жорий йилда пойтахтимиздаги «Ўзэкспомарказ» мажмуида ўтказилган III республика «Инновацион гоёлар, технологиялар ва лойиҳалар» ярмаркасида ўзининг «Мини куёш мева-сабзавот қуриш-иссиқхонаси» лойиҳаси билан қатнашди ҳамда иқтидорли талабалар орасида «Энг яхши лойиҳа» номинациясида ҳам ғолиб деб топилди.

Орзуси — Ўзбекистон тараққиётига ўз изланишлари билан муносиб ҳисса қўшиш.

Шиори — илм ўрганиш, кашфиёт қилиш ва бу жараёнда устозлари ўғитларига қатъий амал қилиш.


АЖДОДЛАР ҲАЁТИ — ИБРАТ

Янги технологияларни ўрганиш, дастур тузиш, иқтисодиёт ва фалсафа фанлари билан шуғулланиш, бадиий китоблар мутолаа қилиш — Эркиннинг сеvimли машғулоти. Аслида, мунтазам китоб мутолааси Эркин мактабда ўқиб юрган кезлардаёқ бошланганди. Қолаверса, оилада ҳам ўтмишда яшаб ўтган алломаларимиз китобга ниҳоятда ихлос билан қарашгани, кечалари китобхонлик билан машғул бўлишгани, маънавияти юксаклиги, илм йўлига умрини бағишлагани тўғрисида суҳбатлар ёш йигитнинг қалбига ўзига хос ғайрат ҳиссини ато этар, кўпроқ китоб ўқишга, дарс қилишга, машғулотларда мунтазам қатнашишга чорларди. Кейинчалик у бу ҳақиқатни англаб етди. Улуғларимизда ирода кучли бўлган. Шу қаторда сабр-бардош билан илм ўрганганлар, муҳими, улар ўз олдларига буюк мақсадлар қўя билганлар. Буюк алломалар ҳаёти ва ижодидан хулосалар чиқарган Эркин ҳам кундалик ишларини олдиндан режалаштириб оладиган бўлди. Эрталаб бадантарбия, нонушта қилгач, мактабга отланар, машғулотларда фаол қатнашар, сўнгра уй вазифасини бажариш, бўш пайтларида бадиий, шунингдек, физика ва кимё фанларига оид китоблар мутолааси билан банд бўларди.

— Эркин вақтдан унумли фойдалана билди, — дейди устози, БухДУ қошидаги 4-академик лицейнинг олий тоифали физика фани ўқитувчиси Амина Мажидова. — Албатта, бу жиҳат унинг дарсларни ўзлаштиришида яққол намоён бўларди. Илм масканидаги синфлараро мусобақаларда, фан олимпиадаларида фаол қатнашишига ҳам ана шу омил сабаб, бўлди деб биламан.

«МУЖАССАМЛАШГАН ГЕЛИОКУРИТГИЧ- ИССИҚХОНА» — ҲАР БИР ХОНАДОНГА

Эътиборлиси, Эркин талабаланинг дастлабки йи-лидаёқ вақтдан режали фой-



энергиясидан фойдаланиб, бутун мавсум давомида мева-сабзавотларни тез ва сифатли қуриш ҳамда қишнинг охири ва эрта баҳорда турли кўчат ва кўчатлар етиштиришга мўлжалланган.

Қурилма-иссиқхона ҳақида мухтасар маълумот қуйидагича: қурилманинг асосий қисми ёғочдан иш-

ТАЛАБАНИНГ КИЧИК ИХТИРОСИ

мутахассислар эътирофига сазovor бўлди


даланиши, аъло баҳоларга ўқиши ва намунали интизоми билан устозларию тенгдошлари назарига тушди. Устозларининг илмий маърузалари, талабалар ўртасида ўтказиладиган олимпиадалар, конференциялар, муҳокамаларда у ўз илмий гоёларини кенг жамоатчиликка тақдим этиб, ривожлантириб борди.

— Айти пайтда республикамизда қишлоқ хўжалиги учун мева ва сабзавотларни қайта ишлайдиган минитехнологиялар ишлаб чиқиш, қуриш ускуналарини яратиш олимлар олида долзарб вазифа бўлиб турибди, — дейди техника фанлари доктори, профессор Карима Норқулова. — Бу борада университетимизда қатор изланишлар олиб борилаётир. Шогирдим Эркин Жўраев яратган «Мужассамлашган гелиоқуриш-иссиқхона» қурилмаси қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қуриш сақлаш, уларни йил давомида истеъмол қилиш имконини беради. Муҳими, ундан фойдаланиш жуда қулай, самарали.

Дарҳақиқат, тақлиф этилаётган ушбу миниқурилма уй (оила) шароитида Куёш

ланган, олдинги девори ва усти тиниқ шиша билан қопланган (1-расм).

айланади. Пировард натижада қурилма ичида ҳарорат кўтарилиб, мева-сабза-



1. Қурилма. 2. Турли стеллажлар. 3 ва 5. Ҳаво алмаштиргич. 4. Шиша эшик. 6. Қуёш батареяси. 7. Вентилятор.

Қурилманинг ҳар иккала томонида шиша ромли эшик мавжуд. Қурилма камерасига уч қатор силжувчан турли стеллаж ўрнатилган. Бу стеллажларнинг ҳар бирининг юзаси 1 м² дан бўлиб (иккита 0,5 м² дан), иккита пасткисига қурилувчи мева ёки сабзавот жойлаштирилади. Юқориги турли стеллаж куёш нурларини мева-сабзавотларга тўғридан-тўғри тушиши ва уларнинг қуйиб қолишидан ҳимоя қилиш учун соябон вазифасини ўтайди. Қурилма нисбатан ихчам ва енгил бўлиб, уни ҳовлининг куёш нурлари тушадиган ихтиёрий жойида ўрнатиш

вотларнинг сифатли қуриши учун оптимал бўлган 55-60° ҳароратни ҳосил қилади. Ҳарорат 65° дан ошганида 4-табиий ҳаво алмашинувини таъминловчи қопқоқли турли дарча бироз муддатга очиб қўйилади. **Маҳсулот турига қараб қуриш жараёни 2-6 кунни ташкил этади, бу эса очик майдонда қуришдан 2-3 марта тезроқдир. Шу билан бирга олинган маҳсулотнинг сифати юқори бўлади.**

ИЗЛАНИШЛАР ДАВОМ ЭТАДИ

Эътиборлиси, қурилмадан маҳаллий шароитда 1 фев-

ралдан бошлаб минииссиқхона сифатида фойдаланилиши мумкин. Бунинг учун қурилманинг стеллажлари олиб қўйилиб, унинг остки қисмидаги махсус қутиларга ҳосилдор тупроқ солинади. Бу эса унда кўчат ва кўчатлар ўстириш имконини беради.

Қурилманинг ҳар бир кв.м. юзаси ҳисобидан йилига маҳсулотларнинг пишиб етилиши ва мавсумига боғлиқ ҳолда навбатма-навбат 25-30 кг. ўрик, 10-15 кг. олхўри, 40-50 кг. помидор, 25-30 кг. майиз ва ҳ.к.ларни қуруқ ҳолда тайёрлаб олишга имкон беради. Шу билан бирга, қурилмада 4-5 кг. овқатбоп кўчатлар ёки 1800-2000 дона кўчат (помидор, қалампир, карам...) етиштириши мумкин. Қувонарлиси, ҳозирда қурилма Сурхондарё ва Фарғона вилоятларидаги бир неча агрофирмаларда қўлланилмоқда.

— Изланишларни қачон бошлагансиз, қурилмани яратиш иштиёқи қай тариқа пайдо бўлди? — дея ихтирочини саволга тутамиз.

— БухДУ қошидаги академик лицейда ўқиб юрган кезларимда ушбу лойиҳага қизиқиб қолганман, — дейди ёш ихтирочи. — Паркент туманида ҳар йили ўтказиладиган халқаро энергетиклар мактаби тингловчиси бўлганман. Академик лицейда, яқка тартибдаги сабоқлар ва университетда олинган билимларимни амалиётга татбиқ этиш гоёси янги технологиянинг яратилишига туртки берди. Очиғи, илгарилари қишлоқ хўжалик маҳсулотлари асосан очик майдонларда қуёш нури таъсирида қуриларди. Бу усулда мева-сабзавотлар қуриш жараёни узок муддат чўзилиши билан бирга маҳсулотнинг сифати кескин пасаяди (маҳсулотларни чанг босади, қуш, турли пашша ва ҳашаротлар ифлослайди, ёгин-сочин остида қолади ва ҳ.к.). Шуларни ўйлаб, ҳар бир хонадонда ишлатса бўладиган ускуналар устида ишладим ва уни устозларим, мутахассислар эътиборига ҳавола қилдим. Қурилмани замонавий материаллардан фойдаланган ҳолда янада ихчам, енгил ва самарадор қилиб ясаш мумкин.

Айти пайтда ёш ихтирочи Эркин Жўраев қурилмани янада такомиллаштириш, шу билан бирга куёш батареясида ишлайдиган ускуналар яратиш устида бош қотираётир. Ёш олимнинг бу ҳаракатларига барака тилаймиз.

Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ,
«Ma'rifat» мухбири

КУЧ — БИЛИМ ВА ТАФАККУРДА

2010 — 2011 ўқув йили учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат стипендиялари танлови голиблари

Бакалаврият таълим йўналишлари бўйича

Закиров Асрор Асқар ўғли
(Техника ва информатика таълим йўналишлари бўйича)


1990 йил 7 июлда Тошкент вилоятида туғилган. Тошкент ахборот технологиялари университети «Телекоммуникация» таълим йўналиши 4-курс талабаси. 2009 йилда «Электротехниканинг назарий асослари» фанидан ўтказилган Республика фан олимпиадасида фахрли 3-ўринни, «InfoCOM.uz» журнали томонидан «Мақола ёз — ASUS ноутбуки ағаси бўл» танловининг «2009 йил талаба ёзган ахборот технологиялари тўғрисидаги энг яхши мақола» номинациясида фахрли 2-ўринни эгаллаган. Кўплаб компьютер дастурлари, илмий мақолалар ва тезислар муаллифи. Инглиз тилини яхши билади.



мунтазам қатнашиб келади. Республикада ўтказиб келинаётган фан олимпиадаларида, Англия ва Германия элчихоналари томонидан ташкиллаштирилган чет тилларини ўрганиш бўйича танловларда фахрли ўринларни эгаллаган. Инглиз ва немис тилларида эркин сўзлашади. Хозирги кунда «Эрнест Хемингуэй прозасининг тили ва услуби» мавзусида изланишлар олиб бормоқда.

Федорко Виктор Николаевич
(Табий фанлар таълим йўналишлари бўйича)

1989 йил 24 августда Наманган вилоятида туғилган. Ўзбекистон Миллий университети «География» таълим йўналиши 4-курс талабаси. Аъло баҳоларга ўқиши билан бирга, республика ва университет миқёсида ўтказилган талабалар илмий анжуманларида мунтазам қатнашиб келмоқда. 2009 йили «География» фани бўйича ўтказилган фан олимпиадасининг республика босқичида қатнашиб, фахрли 1-ўринни эгаллаган. 2009 йили Улугбек номидаги давлат стипендияси совриндори бўлган. Ўзбек ва инглиз тилларини яхши ўзлаштирган.



нинг Ўзбекистондаги элчихонаси дипломи билан тақдирланган. Фанлардан аъло баҳоларга ўқиши билан бирга фаол қатнашади. Немис ва хитой тилларида эркин сўзлашади. Хозирги вақтда «Хитойнинг «Жэньминь жибао» («Халқ газетаси») кундалик наشري фаолиятининг ўзига хосликлари» мавзусида тадқиқот ишларини олиб бормоқда.




Мирзаахмедова Хосиятхон Акмалжановна
(Табий фанлар мутахассисликлари бўйича)

1987 йил 9 июлда Фаргона вилоятида туғилган. Фаргона давлат университети «Ботаника» мутахассислиги 2-курс магистранти. Ўқишда эришган юқори натижалари билан бир қаторда, республика ва халқаро миқёсдаги илмий журнал ва тўпламларда ўзининг илмий-оммабоп, долзарб мавзулардаги мақола ва тезислари билан доимий равишда қатнашиб келмоқда. 2008 йилда Улугбек номидаги давлат стипендияси танлови совриндори бўлган. Инглиз тилини яхши ўзлаштирган. Айна вақтда «Ўзбекистон Республикасида биологик қураш усуллари» мавзусида илмий изланишлар олиб бормоқда.



Фулумов Шохрух Абдувахоб ўғли
(Хуқуқ ва халқаро муносабатлар таълим йўналишлари бўйича)

1988 йил 10 сентябрда Фаргона вилоятида туғилган. Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети «Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар» таълим йўналиши 5-курс талабаси. Фанлардан аъло баҳоларга ўқиши билан бир қаторда, республика миқёсидаги илмий журнал ва тўпламларда илмий-оммабоп мақолалари билан чиқишлар қилиб туради. 2009 йили «Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш марказининг «Менеджер» лойиҳасида голиб чиққан ва диплом билан тақдирланган. Инглиз тилини пухта эгаллаган.




Ибрагимов Бехзод Зокиржон ўғли
(Ижтимоий-гуманитар ва ижтимоий фанлар мутахассисликлари бўйича)

1989 йил 1 июлда Тошкент шаҳрида туғилган. Тошкент давлат шарқшунослик институти «Халқаро тизимлар ва глобал ривожланиш муаммолари» мутахассислиги 2-курс магистранти. Фанлардан аъло баҳоларга ўқиши билан бир қаторда, республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда мунтазам иштирок этиб келади. 2008 йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат стипендияси танловида бакалаврият босқичи бўйича голиб бўлган. 2008 — 2009 ўқув йили учун «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» ҳамда «Меҳр нури» жамғармаларининг «Иқтидорли талабалар учун стипендиялар дастури» голиби бўлган. Инглиз тилини пухта ўзлаштирган.



Шакиров Дониёр Бахтиярович
(Маданият, санъат ва спорт таълим йўналишлари бўйича)

1988 йил 20 августда Тошкент шаҳрида туғилган. Ўзбекистон давлат санъат институти «Телевидение ва радио режиссёрлиги» таълим йўналиши 4-курс талабаси. Республика миқёсидаги кўрик-танловларда фаол қатнашиб келмоқда. Жумладан, 2009 йилда институт миқёсида ўтказилган «ТВарт-2009» кўрик-танловида «Йилнинг энг яхши креатив рекламаси» номинацияси бўйича голибликни қўлга киритган. 2010 йилги «Sport Movies & TV» халқаро фестивалида «Болалар спортининг ривож учун» номинацияси бўйича голиб деб топилди. «Телевидение: 100 саволга 100 жавоб» номи ресоласи чоп этилган. Инглиз тилида эркин сўзлашади.




Абдуллаев Дилшод Курбаналиевич
(Техника ва информатика мутахассисликлари бўйича)

1986 йил 5 ноябрда Тошкент вилоятида туғилган. Ўзбекистон Миллий университети «Амалий математика ва ахборот технологиялари» мутахассислиги 2-курс магистранти. Аъло баҳоларга ўқиши билан бирга, фан олимпиадалари ва турли кўрик-танловларда фаол қатнашиб келмоқда. 2009 йил «Келажак овози» ёшлар танловининг республика босқичи голиби бўлган, 2010 йилда ўтказилган «Ўзбекистоннинг инновацион тараққиёти — ёшлар нигоҳида» илмий-амалий анжуманида иштирок этиб, 2-даражали диплом билан тақдирланган. Инглиз тилини мукамал билади. Шу кунларда «Кутубхоначи автоматлаштирилган




Раҳимова Матлуба Наимовна
(Қишлоқ ва сув хўжалиги таълим йўналишлари бўйича)

1988 йил 9 августда Тошкент шаҳрида туғилган. Тошкент ирригация ва мелiorация институти «Қишлоқ ва яйловлар сув таъминоти» таълим йўналиши 4-курс талабаси. Республика ва институт миқёсидаги фан олимпиадалари, илмий анжуман ва конференцияларда мунтазам қатнашиб келмоқда. Ўқишда фанларни аъло баҳоларга ўзлаштирилганлиги, танловларда муваффақиятли қатнашганлиги ҳамда жамоат ишларида фаол иштирок этганлиги учун кўплаб диплом, фахрий ёрлик ва мақтов ёрликлари билан тақдирланган. Инглиз тилида эркин сўзлашади.



Эргашев Бехзод Баходурович
(Бизнес ва бошқарув таълим йўналишлари бўйича)

1990 йил 6 майда Бухоро вилоятида туғилган. Тошкент молия институти «Бухгалтерия ҳисоби ва аудит» таълим йўналиши 4-курс талабаси. Ўқишдаги муваффақиятлари билан бир қаторда, республика ва институт миқёсидаги турли илмий конференцияларда ўзининг кўплаб илмий мақола ва тезислари билан фаол иштирок этиб келади. 2010 йилда «Бухгалтерия ҳисоби ва аудит» фани бўйича ўтказилган фан олимпиадасининг республика босқичида иштирок этиб, фахрли 2-ўринни эгаллаган. Инглиз тилини мукамал билади.




Раҳматов Акбар Баходирович
(Журналистика таълим йўналиши бўйича)

1987 йил 26 ноябрда Самарқанд вилоятида туғилган. Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети «Халқаро журналистика» таълим йўналиши 4-курс талабаси. 2010 йилда 9-«Хитой тили кўприги» — жаҳон университетлари талабалари хитой тили мусобақаси Ўзбекистон Республикаси босқичида фахрли 2-ўринни эгаллагани учун Хитой Халқ Республикаси

Аббосқонова Нилуфархон Аббосқон қизи
(Ижтимоий-гуманитар ва ижтимоий фанлар таълим йўналишлари бўйича)

1989 йил 11 июлда Қашқадарё вилоятида туғилган. Қарши давлат университети «Тарих» йўналиши 4-курс талабаси. Фанлардан аъло баҳоларга ўзлаштириш билан бирга, республика ва университет миқёсидаги турли илмий-амалий анжуманлар, умумхалқ байрамлари ва тадбирларда ҳам ўзининг билими, иқтидоридан фаол иштирок этиб келмоқда. Бир неча шەърий тўпламлари чоп этилган. 2008 йилда Ўзбекистон Республикаси Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори бўлган. Инглиз тилини мукамал ўрганган. Хозирги кунда «Қашқадарё воҳаси аҳолисининг анъанавий таомлари трансформацияси (XX аср мисолида)» мавзусида изланишлар олиб бормоқда.



Заҳидов Максуд Муқимджанович
(Педагогика таълим йўналишлари бўйича)

1986 йил 17 январда Андижон вилоятида туғилган. Андижон давлат тиббиёт институти «Тиббий педагогика» таълим йўналиши 7-курс талабаси. Фанлардан аъло баҳоларга ўқиши билан бирга, институт жамоат ишларида ҳам фаол қатнашади. 2007 йили «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» ҳамда «Меҳр нури» жамғармалари томонидан таъсис этилган «Иқтидорли талабалар учун стипендиялар дастури» ва «Йилнинг энг яхши талабаси — 2007» республика кўрик-танловларининг голиби бўлган. 2004 йилдан буён вилоят ва институт «Камолот» ЕИХ бошланғич ташкилоти ва вилоят «Еш лидерлар ассоциацияси»нинг фаол аъзоси. Инглиз тилида эркин сўзлашади.



Ҳайдарова Дилорам Акрамовна
(Хорижий тиллар таълим йўналишлари бўйича)

1987 йил 20 декабрда Жиззах вилоятида туғилган. Жиззах давлат педагогика институти «Инглиз тили ва адабиёти» таълим йўналиши 4-курс талабаси. Ўқиш давомида юқори рейтинг натижаларига эришганлиги билан бир қаторда, талабаларнинг илмий-амалий анжуманларида



Магистратура мутахассисликлари бўйича

ган ишчи ўринини Web технологиялар ёрдамида яратиш» мавзуси бўйича илмий изланишлар билан шуғулланиб келмоқда.

Мухамеджанова Сакина Исмаилджановна
(Маданият, санъат ва спорт мутахассисликлари бўйича)

1988 йил 25 февралда Тошкент шаҳрида туғилган. Миллий рассомлик ва дизайн институти «Ҳайкалтарошлик» мутахассислиги 2-курс магистранти. Ҳайкалтарошлик соҳасида нафақат республика, ҳатто Греция, Миср, Ҳиндистон, Россия каби давлатларда ўтказилган халқаро кўриктанловларда иштирок этиб, совринли ўринларни эгаллаган. 2008 йилда Навоий номидаги давлат стипендияси танлови совриндори бўлган. Республика ва халқаро миқёсдаги газета ҳамда журналларда ўзининг илмий-оммабоп мақолалари билан чиқишлар қилиб туради. Инглиз тилини мукамал эгаллаган.



кўлланиши» мавзусида илмий изланишлар олиб бормоқда.

Айтмуратов Ринат Бахитович
(Хуқуқ ва халқаро муносабатлар мутахассислиги бўйича)


1986 йил 1 июнда Қорақалпоғистон Республикаси Нукус шаҳрида туғилган. Қорақалпоқ давлат университети «Давлат ҳуқуқи ва бошқарув» мутахассислиги 2-курс магистранти. Ўқишда эришган юқори натижалари билан бир қаторда, республика ва университет миқёсидаги илмий журнал ва тўпламларда ўзининг илмий-оммабоп, долзарб мақола ва тезислари билан мунтазам қатнашиб келмоқда. Институтда ўтказилган жамоатчилик ишлари ва тадбирларда фаол иштирок этади. Инглиз тилини пухта ўзлаштирган.



Айни пайтда «Хуқуқни муҳофаза қилиш органларининг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги фаолияти» мавзусида илмий тадқиқот ишларини олиб бормоқда.

Усмонов Дилмуроджон Жамолдинович
(Журналистика мутахассислиги бўйича)

1986 йил 16 майда Наманган вилоятида туғилган. Ўзбекистон Миллий университети «Журналистика» мутахассислиги 2-курс магистранти. Республика миқёсидаги кўрик-танловларда фаол қатнашиб келмоқда. 2005 йилда «Она тили ва адабиёт» фанидан ўтказилган Республика фан олимпиадасида қатнашиб, фахрли 2-ўринни эгаллаган. 2008 — 2009 ўқув йили учун «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» ҳамда «Меҳр нури» жамғармаларининг «Иқтидорли талабалар учун стипендиялар дастури» голиби бўлган. Инглиз тилида эркин сўзлашади. Бугунги кунда «Матбуот самарадорлигининг ижодий омиллари» мавзусида илмий изланишлар билан шуғулланиб келмоқда.



Ибрагимова Манзила Бахтиёрвна
(Хорижий тиллар мутахассисликлари бўйича)

1987 йил 11 июлда Бухоро вилоятида туғилган. Бухоро давлат университети «Инглиз адабиётшунослиги» мутахассислиги 2-курс магистранти. Республика ва университет миқёсидаги кўрик-танловларда фаол қатнашиб келмоқда. 2008 ва 2009 йилларда «Инглиз тили ва адабиёти» фанидан ўтказилган Республика фан олимпиадасида қатнашиб, фахрли ўринларни эгаллаган. 2008 йилда Навоий номидаги давлат стипендияси танлови совриндори бўлган. Бир неча шەърий тўпламлари ва инглиз тилидаги бир қанча рисоалари нашр этилган. Инглиз тилида эркин сўзлашади.



Хозирги кунда «Уольт Уитмен шەърийатида ижтимоий қарашларнинг ифодаланиши» мавзусида илмий изланишлар олиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан таълим қорақалпоқ тилида олиб бориладиган умумий ўрта таълим мактаблари учун 2011-2012 ўқув йилида фойдаланишга тавсия этилган дарслик ва ўқув қўлланмалар рўйхати

T/p	Дарслик номи	Муаллифлар	Тавсия этилган йили	Таъмин-ланиш ҳолати
1-синф				
1	Алифбе (A'lipbe)	Муаллифлар гуруҳи	2011	беул
2	Ўқиш китоби (Oqiw kitabi)	Б.Кутлимуродов ва б.	2011	беул
3	Она тили (Ana tili)	Б.Кутлимуродов	2011	беул
4	Ёзув дафтари	Муаллифлар гуруҳи	2011	беул
5	Математика	М.Аҳмедов ва б.	2011	беул
6	Математика дафтари	М.Жумаев ва б.	2011	беул
7	Атрофимиздаги олам	А.Григорьянц	2011	беул
8	Тасвирий санъат	Р.Ҳасанов	2011	беул
9	Муסיқа	Ҳ.Нурматов ва б.	2011	беул
10	Одобнома	Муаллифлар гуруҳи	2011	беул
11	Жисмоний тарбия	К.Маҳкамжонов ва б.	2011	беул
12	Меҳнат таълими	Муаллифлар гуруҳи	2011	
13	Саломатлик дарслари	Д.Шарипова ва б.	2007	кутубхона фонди
14	Конституция алифбоси	О.Каримова	2008	кутубхона фонди
2-синф				
1	Ўзбек тили	Р.Толипова ва б.	2010	ижара
2	Она тили (Ana tili)	Б.Кутлимуродов ва б.	2010	ижара
3	Ўқиш китоби (Oqiw kitabi)	Б.Кутлимуродов	2010	ижара
4	Русский язык	Р.Толипова ва б.	2010	ижара
5	Математика	Н.Бикбаева ва б.	2010	ижара
6	Атрофимиздаги олам	П.Фуломов ва б.	2010	ижара
7	Одобнома	Қ.Абдуллаева ва б.	2010	ижара
8	Муסיқа	Ҳ.Нурматов ва б.	2010	ижара
9	Тасвирий санъат	М.Исақова ва б.	2010	ижара
10	Жисмоний тарбия	К.Маҳкамжонов ва б.	2010	ижара
11	Саломатлик дарслари	Д.Шарипова ва б.	2007	кутубхона фонди
12	Конституция алифбоси	О.Каримова	2007,2008	кутубхона фонди
3-синф				
1	Ўзбек тили	А.Рафиев ва б.	2010	ижара
2	Она тили (Ana tili)	Е.Давленов ва б.	2010	ижара
3	Ўқиш китоби (Oqiw kitabi)	Б.Калимбетов ва б.	2010	ижара
4	Русский язык	Р.Толипова ва б.	2010	ижара
5	Математика	Н.Бикбаева ва б.	2010	ижара
6	Табиатшунослик	А.Баҳромов	2010	ижара
7	Одобнома	О.Ҳасанбоева ва б.	2010	ижара
8	Муסיқа	Ҳ.Нурматов ва б.	2010	ижара
9	Тасвирий санъат	М.Исақова ва б.	2010	ижара
10	Жисмоний тарбия	К.Маҳкамжонов ва б.	2010	ижара
11	Саломатлик дарслари	Д.Шарипова ва б.	2007	кутубхона фонди
12	Конституция алифбоси	О.Каримова	2007,2008	кутубхона фонди
4-синф				
1	Ўзбек тили	А.Рафиев ва б.	2011	ижара
2	Она тили (Ana tili)	Е.Давленов ва б.	2011	ижара
3	Ўқиш китоби (Oqiw kitabi)	Е.Бердимуродов ва б.	2011	ижара
4	Русский язык	Муаллифлар гуруҳи	2011	ижара
5	Математика	Муаллифлар гуруҳи	2011	ижара
6	Табиатшунослик	Муаллифлар гуруҳи	2011	ижара
7	Одобнома	Муаллифлар гуруҳи	2011	ижара
8	Муסיқа	О.Иброҳимов ва б.	2011	ижара
9	Жисмоний тарбия	К.Маҳкамжонов ва б.	2011	ижара
10	Меҳнат таълими	Муаллифлар гуруҳи	2011	
11	Тасвирий санъат	Муаллифлар гуруҳи	2011	
12	Саломатлик дарслари	Д.Шарипова ва б.	2007	кутубхона фонди
13	Конституция алифбоси	О.Каримова	2007	кутубхона фонди
14	Qaraqalpaq tili (таълим бошқа тилларда)	Р.Примжарова ва б.	2004, 2007	очиқ савдо
5-синф				
1	Ўзбек тили	Муаллифлар гуруҳи	2011	ижара
2	Она тили (Qaraqalpaq tili)	Е.Бердимуродов ва б.	2011	ижара
3	Адабиёт (A'debiyat)	Ж.Пирниёзов ва б.	2011	ижара
4	Русский язык	Муаллифлар гуруҳи	2011	ижара
5	Инглиз тили "Fly High English"	Л.Жўраев ва б.	2011	ижара
6	Немис тили «Deutsch»	М.Қиёмова ва б.	2011	ижара
7	Француз тили "Bonjour la France"	А.Носиров ва б.	2011	ижара
8	Тарихдан ҳикоялар	Муаллифлар гуруҳи	2011	ижара
9	Қорақалпоғистон тарихи	С.Камолов ва б.	2004	очиқ савдо
10	Математика	Муаллифлар гуруҳи	2011	ижара
11	Информатика	Б.Болтаев ва б.	2008	ижара
12	Ботаника	Ў.Пратов ва б.	2011	ижара
13	География	П.Фуломов ва б.	2011	ижара
14	Ватан туйғуси	Ҳ.Султонов ва б.	2011	ижара
15	Муסיқа	А.Мансуров ва б.	2011	
16	Жисмоний тарбия (5-6-с.)	Т.Усмонхўжаев ва б.	2011	
17	Меҳнат таълими	Муаллифлар гуруҳи	2011	
18	Тасвирий санъат	Муаллифлар гуруҳи	2011	
19	Конституция оламига саёҳат	В.Костецкий ва б.	2008	кутубхона фонди
20	Qaraqalpaq tili (таълим бошқа тилларда)	А.Давлатов ва б.	2004, 2008	очиқ савдо
6-синф				
1	Ўзбек тили	Р.Толипова ва б.	2009	ижара
2	Она тили (Qaraqalpaq tili)	М.Давлатов ва б.	2009	ижара
3	Адабиёт (A'debiyat)	З.Ойжонов ва б.	2009	ижара
4	Русский язык	Р.Толипова ва б.	2009	ижара
5	Инглиз тили "Fly High English"	Л.Жўраев ва б.	2009	ижара
6	Немис тили «Assalom, Deutsch!»	Н.Суханова ва б.	2009	ижара
7	Француз тили	З.Абдушукурова ва б.	2009	ижара

8	Тарих	А.Саъдуллаев ва б.	2009	ижара
9	Математика	М.Мирзааҳмедов ва б.	2009	ижара
10	Физика	Н.Турдиев	2009	ижара
11	Ботаника	Ў.Пратов ва б.	2009	ижара
12	География	А.Соатов ва б.	2009	ижара
13	Қорақалпоғистон тарихи	Кошанов ва б.	2005	очиқ савдо
14	Ватан туйғуси	Ҳ.Султонов ва б.	2011	ижара
15	Информатика	Б.Болтаев ва б.	2009	ижара
16	Муסיқа	С.Бегматов ва б.	2008	кутубхона фонди
17	Жисмоний тарбия (5-6-с.)	Т.Усмонхўжаев ва б.	2008	кутубхона фонди
18	Конституция оламига саёҳат	В.Костецкий ва б.	2008	кутубхона фонди
19	Qaraqalpaq tili (таълим бошқа тилларда)	А.Давлатов ва б.	2004	очиқ савдо
7-синф				
1	Ўзбек тили	Р.Толипова ва б.	2009	ижара
2	Она тили (Qaraqalpaq tili)	А.Давлатов ва б.	2009	ижара
3	Адабиёт (A'debiyat)	К.Мамбетов ва б.	2009	ижара
4	Русский язык	Р.Толипова ва б.	2009	ижара
5	Инглиз тили "Fly High English"	Л.Жўраев ва б.	2009	ижара
6	Немис тили «Assalom, Deutsch!»	Н.Суханова ва б.	2009	ижара
7	Француз тили	В.Бухин ва б.	2009	ижара
8	Ўзбекистон тарихи	А.Мухаммаджонов	2009	ижара
9	Жаҳон тарихи	Т.Салимов ва б.	2009	ижара
10	Алгебра	Ш.Алимов ва б.	2009	ижара
11	Геометрия	А.Аъзамов ва б.	2009	ижара
12	Физика	П.Ҳабибуллаев ва б.	2009	ижара
13	Кимё	И.Асқаров ва б.	2009	ижара
14	Зоология	О.Мавлонов	2009	ижара
15	География	П.Фуломов ва б.	2009	ижара
16	Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари	М.Қаршибоев ва б.	2011	ижара
17	Информатика	Б.Болтаев ва б.	2009	ижара
18	Муסיқа	О.Иброҳимов ва б.	2008	кутубхона фонди
19	Тасвирий санъат	А.Сулаймонов ва б.	2006	кутубхона фонди
20	Жисмоний тарбия (7-8-с.)	Т.Усмонхўжаев ва б.	2006	кутубхона фонди
21	Конституция оламига саёҳат	В.Костецкий ва б.	2007	очиқ савдо
22	Қорақалпоғистон тарихи	А.Кошанов	2005	кутубхона фонди
23	Қорақалпоғистон табиий географияси	Жабборбергманов ва б.	2005	очиқ савдо
24	Qaraqalpaq tili (таълим бошқа тилларда)	А.Давлатов ва б.	2004, 2008	очиқ савдо
8-синф				
1	Ўзбек тили	Ҳ.Мухиддинова ва б.	2010	ижара
2	Қорақалпоқ тили (Qaraqalpaq tili)	М.Давлатов ва б.	2010	ижара
3	Адабиёт (A'debiyat)	К.Мамбетов ва б.	2010	ижара
4	Русский язык	Р.Толипова ва б.	2010	ижара
5	Инглиз тили «Fly High English»	Л.Жўраев ва б.	2010	ижара
6	Немис тили «Assalom, Deutsch!»	Н.Суханова ва б.	2010	ижара
7	Француз тили «Le nouveau voyage en France»	З.Абдушукурова ва б.	2010	ижара
8	Ўзбекистон тарихи	Қ.Усмонов ва б.	2010	ижара
9	Жаҳон тарихи	У.Жўраев ва б.	2010	ижара
10	Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи асослари	О.Каримова ва б.	2010	ижара
11	Иқтисодий билим асослари	Э.Сариқов ва б.	2010	ижара
12	Алгебра	Ш.Алимов ва б.	2010	ижара
13	Геометрия	А.Раҳимқориев	2010	ижара
14	Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари	Муаллифлар гуруҳи	2011	ижара
15	Физика	П.Ҳабибуллаев ва б.	2010	ижара
16	Кимё	И.Асқаров ва б.	2010	ижара
17	Одам ва унинг саломатлиги	Б.Аминов ва б.	2010	ижара
18	География	П.Мусаев ва б.	2010	ижара
19	Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари	Р.Қўчқор ва б.	2011	ижара
20	Чизмачилик	И.Раҳмонов	2010	ижара
21	Жисмоний тарбия (7-8-с.)	Т.Усмонхўжаев ва б.	2006	кутубхона фонди
22	Қорақалпоғистон тарихи	М.Тлеумуратов	2004,2008	очиқ савдо
23	Қорақалпоғистон табиий географияси	Е.Умаров ва б.	2004, 2008	очиқ савдо
24	Qaraqalpaq tili (таълим бошқа тилларда)	А.Давлатов ва б.	2004, 2008	очиқ савдо
9-синф				
1	Ўзбек тили	А.Рафиев	2010	ижара
2	Қорақалпоқ тили (Qaraqalpaq tili)	М.Давлатов ва б.	2010	ижара
3	Адабиёт (A'debiyat)	Т.Мамбетниёзов ва б.	2010	ижара
4	Русский язык	Ю.Азизхонова ва б.	2010	ижара
5	Инглиз тили «Fly High English»	Л.Жўраев ва б.	2010	ижара
6	Немис тили «Deutsch»	М.Дадахўжаева ва б.	2010	ижара
7	Француз тили «D'un Etat a l'autre»	С.Раҳмонов ва б.	2010	ижара
8	Ўзбекистон тарихи	С.Тиллаев ва б.	2010	ижара
9	Жаҳон тарихи	М.Лафасов ва б.	2010	ижара
10	Конституциявий ҳуқуқ асослари	Г.Тансиқбоева ва б.	2010	ижара
11	Иқтисодий билим асослари	Э.Сариқов ва б.	2010	ижара

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан таълим қорақалпоқ тилида олиб бориладиган умумий ўрта таълим мактаблари учун 2011-2012 ўқув йилида фойдаланишга тавсия этилган дарсликлар ва ўқув қўлланмалар рўйхати (Давоми. Боши 10-бетда.)

12	Алгебра	Ш.Алимов ва б.	2010	ижара
13	Геометрия	Б.Ҳайдаров ва б.	2010	ижара
14	Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари	Муаллифлар гуруҳи	2011	ижара
15	Физика	П.Ҳабибуллаев ва б.	2010	ижара
16	Кимё	И.Асқаров ва б.	2010	ижара
17	Биология. Цитология ва генетика асослари	А.Зикиряев ва б.	2010	ижара
18	Жаҳон иқтисодий-ижтимоий географияси	А.Қаюмов ва б.	2010	ижара
19	Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари	О.Мусурмонова ва б.	2011	ижара
20	Чизмачилик	И.Раҳмонов	2010	ижара
21	Жисмоний тарбия	Т.Усмонхўжаев ва б.	2006,2008	очиқ савдо
22	Қорақалпоғистон тарихи	С.Камолов ва б.	2002, 2004	очиқ савдо
23	Қазақша тили (таълим бошқа тилларда)	Г.Мамбетназарова	2002, 2008	очиқ савдо
10-синф				
1	Ўзбек тили	М.Тўхтамирзаев	2007	кутубхона фонди, очиқ савдо
2	Она тили	Е.Бердимухамедов ва б.	2007	кутубхона фонди, очиқ савдо
3	Адабиёт	К.Мамбетов ва б.	2007	кутубхона фонди, очиқ савдо
4	Русский язык	Р.Толипова ва б.	2005	кутубхона фонди, очиқ савдо
5	Инглиз тили	Ж.Жалолов	2007	кутубхона фонди, очиқ савдо
6	Немис тили	Б.Зардинова	2007	кутубхона фонди, очиқ савдо
7	Француз тили	В.Бухин ва б.	2007	кутубхона фонди, очиқ савдо
8	Ўзбекистон тарихи	Д.Алимова ва б.	2007	кутубхона фонди, очиқ савдо
9	Жаҳон тарихи	Г.Ҳидоят	2007	кутубхона фонди, очиқ савдо
10	Ҳуқуқшунослик	В.Костецкий ва б.	2007	кутубхона фонди, очиқ савдо
11	Иқтисодиёт ва бизнес асослари	Э.Сариқов ва б.	2007	кутубхона фонди, очиқ савдо
12	Алгебра ва анализ асослари	Ш.Алимов ва б.	2007	кутубхона фонди, очиқ савдо
13	Геометрия	А.Погорелов ва б.	2007	кутубхона фонди, очиқ савдо
14	Физика	М.Шахмаев ва б.	2007	кутубхона фонди, очиқ савдо
15	Кимё	Г.Рудзитис ва б.	2007	кутубхона фонди, очиқ савдо
16	Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари	А.Абдуқодиров	2007	кутубхона фонди, очиқ савдо
17	Умумий биология	Ё.Тўрақулов ва б.	2007	кутубхона фонди, очиқ савдо
18	Амалий география	А.Рафиқов ва б.	2007	кутубхона фонди, очиқ савдо

19	Чақириққача ёшларни тайёрлаш (10—11-с.)	Ҳ.Жўраев ва б.	2005	кутубхона фонди, очиқ савдо
20	Жисмоний тарбия (10—11-с.)	Т.Усмонхўжаев ва б.	2006	кутубхона фонди, очиқ савдо
21	Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари (10—11-с.)	Қ.Назаров ва б.	2007	кутубхона фонди, очиқ савдо
11-синф				
1	Она тили (Қазақша тили)	Е.Бердимуродов ва б.	2004	кутубхона фонди, очиқ савдо
2	Адабиёт (А'дебият)	К.Камолов ва б.	2007	кутубхона фонди, очиқ савдо
3	Русский язык	Р.Толипова ва б.	2005	кутубхона фонди, очиқ савдо
4	Инглиз тили	Ж.Жалолов ва б.	2005	кутубхона фонди, очиқ савдо
5	Немис тили	Б.Зардинова ва б.	2007	кутубхона фонди, очиқ савдо
6	Француз тили	З.Абдушукурова ва б.	2005	кутубхона фонди, очиқ савдо
7	Ўзбекистон тарихи	Н.Жўраев	2007	кутубхона фонди, очиқ савдо
8	Жаҳон тарихи	Г.Ҳидоят	2007	кутубхона фонди, очиқ савдо
9	Ҳуқуқшунослик	В.Костецкий ва б.	2005	кутубхона фонди, очиқ савдо
10	Иқтисодиёт ва бизнес асослари	Э.Сариқов ва б.	2007	кутубхона фонди, очиқ савдо
11	Инсон ва жамият	Н.Жўраев ва б.	2005	кутубхона фонди, очиқ савдо
12	Алгебра ва анализ асослари	Ш.Алимов ва б.	2007	кутубхона фонди, очиқ савдо
13	Геометрия	А.Погорелов	2007	кутубхона фонди, очиқ савдо
14	Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари	Б.Болтаев ва б.	2005	кутубхона фонди, очиқ савдо
15	Физика	М.Шахмаев ва б.	2007	кутубхона фонди, очиқ савдо
16	Астрономия	М.Мамадазимов	2007	кутубхона фонди, очиқ савдо
17	Кимё	А.Муфтахов ва б.	2004	кутубхона фонди, очиқ савдо
18	Умумий биология	А.Фафуров ва б.	2005	кутубхона фонди, очиқ савдо
19	Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари (10—11-с.)	Қ.Назаров ва б.	2007	кутубхона фонди, очиқ савдо
20	Жисмоний тарбия (10—11-с.)	Т.Усмонхўжаев ва б.	2006	кутубхона фонди, очиқ савдо
21	Чақириққача ёшларни тайёрлаш (10—11-с.)	Ҳ.Жўраев ва б.	2005	кутубхона фонди, очиқ савдо
22	Қорақалпоқ тили (таълим бошқа тилларда)	Е.Бердимуродов	2007	кутубхона фонди, очиқ савдо



Феруза Худоброва Юнусобод туманидаги 258-мактабда бир неча йиллардан бери ўқувчи-ёшларга рус тили ва адабиёти фанидан сабоқ бериб келмоқда. У изланувчанлиги, ўз касбига садоқати туфайли ўқувчилар ҳурматига сазовор бўлган. Муаллима илм масканининг ҳар бир тадби-

рида фаол иштирок этиши сабаб касбдошлари орасида ўз ўрнига эга. Ўқитувчининг саъй-ҳаракати билан ноябрь—рус тили ва адабиёти фанлари ойлиги давомида турли тадбирлар, ижодий танловлар ўтказилди. Фан ўқитувчилари ва ўқувчилар иштирокида бўлиб ўтган фан ойлигининг яку-

ний фестивали ҳам мактаб жамоасида катта таассурот қолдирди. Шунингдек, ушбу илм масканида тумандаги ўзбек тили, она тили ва адабиёт фанлари ўқитувчилари учун амалий семинар ҳам ташкил этилди. Тадбир аввалида устоз ўқитувчиларнинг шогирд ўқитувчилар билан ҳамкорлик-

да тайёрланган очиқ дарслари намойиш этилди. "Дарсда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб ўқувчиларнинг қизиқишларини ошириш" мавзусидаги ушбу семинар тумандаги ёш педагоглар учун амалий сабоқ бўлди.

МУХБИРИМИЗ
Бурҳон РИЗО олган суратлар.

Китобнинг бори қандай яхши. У орқали баъзи кинолар ва айниқса, 7-синфдаги география дарслиги орқали таниш бўлиб қолган, ammo ҳали мен учун номаълум жиҳатлари талай бўлган бир маконга саёҳат уюштириш имконига эга бўлдим. Таассурот ва йиққан маълумотларимни эса сиз билан ўртоқлашишга қарор қилдим.

Тундра. Поёни кўринмас ялангликлар ястаниб ётибди. Шамол изиллайди. Қовоғи солинган осмоннинг ранги бўзаради. Бир қарашда ерга бағрини бериб кўкарувчи ўсимликлардан бошқа ҳаёт нишонаси йўқдай туюлади одамга. Баланд-баланд дарахтлар, кўкка бўй чўзган оқ қайинлар шамол ва совуққа қарши тура олмайди. Шунинг учун бу ерда ўрмонлар йўқ. Бу маконда нафақат дунёга, балки дилларга нур олиб кирувчи қуёш аҳён-аҳёнда яноқлари қизариб табассум ҳадя қилиб қўяди ва яна бир зумда шамол ҳайдаб келаётган булутлар орқасига беркинади.

Аmmo шундай совуқ довуллар ҳукм суришига қарамай, тундрада ҳаёт қайнапти. Бу ернинг бир «сиқимгина» ёзида табиат яшил гиламлар ёзади, гуллар очилади, қушлар учиб келиб кўл ва сойлар қирғоғига ин қуради. Қишда ҳам иқлимга мослашган жониворлар ўз тирикчилиги билан машғул. Тундра ана шундай ўлка. Ана шу ўзгачалик доимо инсонларнинг эътиборини тортиб келган.

Шу ўринда тундралар айнан битта ҳудуднинг номи эмаслигини назардан қочирмаслик керак. Улар сайёрамизнинг айнан қайси қисмларида жойлашганини тасаввур қилиш учун харитани кўлга оламан. «Билимларнинг катта китоби» номли энциклопедияда берилган маълумотларга кўра, бундай ялангликлар шимолий денгиз соҳили бўйлаб чўзилган кенг ва катта ҳудудни эгаллайди. Аниқроқ айтганда, Шимолий Америка ва Евроосиёнинг шимолий қирғоқларидан ичкарига 500 км.гача кириб кетган барча ҳудудлар «тундра» дейилади. Умумий ҳисобда эса «ўрмонларсиз ҳудуд» шимолий ярим шардаги 3 млн. кв. км. майдонни ташкил қилади.

Тўғри, тундрадаги иқлимга эга маконлар жанубий ярим шарда ҳам мавжуд. Антарктидага яқин бир неча оролларни унга мисол қилиб келтириш мумкин. Асосий тундра даштлари ботқоқликка айланган пасттексислик, яъни, денгиз сатҳида 200 метр баландликдаги ерларда жойлашган. Унинг асосий ўзига хослиги юқори намлик, кучли шамол ва гўё кимгадир жаҳл қилгану, кўп йиллардан бери «кўнгли юмшаман» музликларда кўзга ташланади. Бундай муз ёки абадий музликлар мингйиллар давомида эримаган. Ҳатто баъзи ҳудудларда 500 метргача бўлган масофада тупроқ ва тоғ жинслари яхлаган. Қисқа ёзда ярим метргача бўлган чуқурликдаги муз эрийди.

«Тундра» сўзининг келиб чиқиши борасида турли-туман фаразлар, фикрлар бор. Тахминларга кўра, олдинга баъзи ҳудудларгина шундай аталган бўлса, кейинчалик ўрмонсиз текис шимолий ўлкаларнинг барчасига шу ном берилган. Кўпчилик манбаларда «тундра» сўзи фин тилидаги «tunture» сўзидан олинган бўлиб, «яланг, ўрмонсиз тепалик» деган маънони билдиради, дейилади. Саамлар (асосан Норвегия, Швеция, Финляндия шимолида



ҚАХРАТОН «ТАФТИ»

яшайдиган угор-фин халқлари гуруҳига мансуб элат) тилида эса «ўлик ер» маъносини беради. Шунингдек, бу сўз туркий тилда («тун» ва «тур» сўзлари) маъносига мос бўлиб, «тун тўхташи» «тун манзилгоҳи» маъносига кўлланилган бўлиши мумкин, деган қарашлар ҳам йўқ эмас. Бу тундрада тунлар ниҳоятда узунлигига ишора. Баъзи манбаларда «ғира-шира» «қош қораяётган пайт» маъносини бериши ҳам айтиб ўтилади. Яна бир манба — Болалар энциклопедиясида берилишича эса, «тундра» фин тилида «тоғ чўли» деган маънони англатади. Бу фикрларнинг баърида ўзига хос асос, мантиқ мавжуд.

Тундралар илмий жиҳатдан тадқиқ этилган. Шунингдек, «ўрмонсиз тепалик»лар бир неча турларга ажратилган. Хусусан, Арктика, Антарктида ва тоғ тундралари бизга маълум. Бу кичик турларнинг ҳам ўзаро фарқли жиҳатлари талайгина. Масалан, Арктика тундрасида бута ва майсалар кўп. Тоғ тундраси ўз номи билан тоғли минтақалардан ташкил топган. Украинадаги Карпат тоғида бундай ҳудудлар «палонина»лар деб аталади ва Қримда «яйла» номи берилган. Тоғ тундралари асосан тупроғи тош ва шағалли бўлган сийрак ўрмонлардан бошланади.

Шунингдек, тундранинг учинчи тури Антарктида тундрасига Антарктида яқинидаги яриморол ва Шимолий Георгия каби ороллар киритилади. Қизикарлиси, бир-бирининг умуман акси бўлган икки ҳудуднинг ҳам хусусиятлари жамланган ўрмон-тундралар мавжуд бўлиб, улар ўрмон билан тундра ораллигидаги ерлардир.

«Тоғ чўли»нинг иқлими совуқ, ноқулай бўлганидан дарахт ўсмайди. Айниқса, Арктика тундраларида Арктикадан эсадиган кучли довул йирик ва баланд бўйли дарахтларнинг ўсишига имкон бермайди. Гарчи тундрада ўрмон бўлмаса-да, унинг қия текисликларида ўрмон ўсимликлари ва буталари кўп. Бунга асосланиб олимлар бир пайтлар тундра ҳудудида ўрмон бўлганлигини тахмин қилишади. Кейинчалик иқлимнинг совиши ўрмонларга қирон келтирган, баъзи ўсимликлар эса мослашувчанлиги сабабли сақланиб қолган. Улар фақат мослашибгина қолмай, балки бу ерда ўрмондаги қараганда яхшироқ ўсади,

ёзда ҳатто гуллайди. Кенгликларни соғинган гуллар ўрмондагидан ўзгача чирой очади. Эътиборлиси, тундрада паст бўйли тол ва қайинни ҳам учратиш мумкин.

«Қорли ўлка»га баҳор июлда ташриф буоради. Мана шу пайтда гулли ўсимликлар — қутб лолакизгалдоғи, момақаймоғи, бўтакўзлари замин узра

Bilasizmi?

қилмай, қишда ҳам баъзи ҳайвонлар яшайди. Бундай «маҳаллий»лар шимол буғуси, қутб тулкиси, бойқуш, каклик ва майда кемирувчи ҳайвонлардир.

Маълумки, тундрада на шаҳар, на қишлоқ бўлган. Аммо бу тундра очик ва кимсасиз ялангликдан иборат ҳудуд дегани эмас. У ерда истиқомат қилган маҳаллий аҳоли овчилик ҳамда хонаки шимол буғуларини кўпайтириш билан машғул бўлган. Шу ўринда, тундраларнинг ҳайвонот олами ҳақида ҳам икки оғиз ҳикоя қилсак, мақсадга мувофиқ бўлади.

Буғу овқатланиши учун муттасил бир ердан бошқа ерга кўчиб юриши лозим. Негаки, бир ерда сувўтларини бутунлай еб бўлганидан кейин бошқа ерга ўтилади. Шунинг учун одамлар кўчиб юришга мажбур бўлишган. Бу ҳолат қишлоқ ва шаҳарлар пайдо

бўлишига тўсқинлик қилган. Тундрадаги ҳаётни буғусиз тасаввур қилиш мушкул, албатта. Унинг гўшти овқат, терисидан иссиқ кийим тайёрланган ва ҳатто турар жой қурилгани маълум. Булардан ҳам муҳими — буғудан транспорт воситаси сифатида фойдаланишади, уларга чаналар қўшилади. Шимол буғуси тундранинг қуруқ совуқ ҳаётига, шароитига жуда яхши мослашган. Кенг туёқли бақувват оёқларига таяниб ҳаракатлангани учун буғулар музли ерларда юрганида ҳам сирганмайди. Дағал ва сув юқтирмайдиган териси эса совуқдан яхши асрайди. Шунингдек, зарур бўлган ҳолатларда тундра итлари ҳам

«Тоғ чўли»да чўлнинг хусусиятларини топиш қийин. Чунки тундрада ёгингарчилик бўлса, сув ерга сингиб кетмайди. Абадий музликларни сув эритолмайди. Қуёшнинг қайноқ тафти йўқлиги сабабли намлик ҳам буғланмайди. Ана шу сабаб ҳам «тун манзилгоҳи»да ботқоқликлар, жилға, сой, кўл ва унча катта бўлмаган дарёлар кўп. Уларда ласослар оиласига кирувчи нельма, чир, омуль, ряпушка каби балиқлар ҳам бисёр.

Бу ерда сув мўллигидан ғоз, ўрдак, оққуш, гагара — балиқчи қуш каби сувда сузувчи қушлар ёзда кўчиб келишади. Шимолда яшайдиган қуюқ патли йирик сув қуши, дунёдаги энг қадимий қушлардан бири — гагара тундрада анча кенг тарқалган. Гагаралар кўчманчи бўлиб, қишлоқ учун музламайдиган Европа ва Тинч океанининг қирғоқларига учиб кетишади. Биттагина гагара эмас, қушларнинг асосий қисми қишлоқга келганда узок жанубга учиб кетишади, чунки тундранинг баъзи жойларида қишда совуқ 50 даражадан ҳам ошиб кетади. Бундай қахратон эса улар учун ҳалокатлидир. Тундрани фақат иқлими совуқ бўлгани учунгина эмас, балки музқоқ ерлари туфайли ҳам ўзлаштириш қийин. Ёзда ҳам ерларининг фақат юзаки қисми исийди. Шунинг учун тундранинг ери ҳам ҳосил берувчидир. Шунингдек, иқлими қаттиқ; қор етти-ўн ойлаб тинмайди. Қисқа ва салқин ёзда ҳавонинг даражаси +10Сдан кўтарилмайди. Августнинг иккинчи ярмида қиш бошланади — қор ёғади. Лекин ана шундай қахратонни ҳам писанд

буғулар каби чана судраб одамларнинг оғирини енгил, узоғини яқин қилади. Бундан ташқари, ҳўкизқўй (қорамол ва қўй белгиларига эга бўлган сутэмизувчи ҳайвон), қутб бўриси, қуёни ҳам мана шу музли ўлкани Ватан билади. Қутб бойўғлилари даласичқон ва лемминглар, баъзида ёш ёввойи ғозларни овлашади. Дарвоқе, лемминглар кемирувчиларга мансуб жонивор бўлиб, умрининг асосий қисмини ер ости лабиринтларида ўтказади. Улар фақат ёзда озиқ-овқат қидириш ва қишга егулик захираларини ғамлаб қўйиш учун ер юзасига чиқишади. Тундранинг яна бир содиқ жонзоти оқ қутб бойўғлиларидир. Бу қушлар унча катта бўлмаган тепаликларга уя солади. Овозсиз қанот қоқади, шунинг учун ўлжаси устида қутилмаганда пайдо бўлади. Тундрадаги ўсимлик олами ва жонзотлар ана шундай ўзига хосликка эга, бошқа ҳудудларникига деярли ўхшамайди. Она-заминимизнинг бир қисми бўлган тундрада шу тарзда ҳаёт давом этади.

ЮЛДУЗЛАР 3 МАРТА КЎПРОҚ

«Нейче» журналида берилишича, коинотда Ерга ўхшаган квиллион (10 сонининг орқасида 18та ноль бор)та сайёра мавжуд. Йель университети олимларининг Ҳавайидаги Кека обсерваториясида олиб борган кузатувлари натижасида шундай хулосага келинган.

Яқиндагина ихтиро қилинган кучли телескоп ёрдамидаги кузатув буни тасдиқлайди. Мазкур тадқиқот раҳбари Питер Ванн Доккум ҳам сайёралар сони ҳақиқатдан аввал тасаввур қилинганидан кўплигини таъкидлайди.

— Ўз юлдузи атрофида айланувчи Ерга ўхшаш квиллионга сайёра борлиги юлдузларнинг ҳам сони анчалигини кўрсатади. Кўпчилик юлдузларнинг ёши 10 млрд.га тенгдир.

Ихтиролар астрономлар томонидан «йўқолган масса» деб аталувчи феномени тушунтиришга имкон беради. Буюк Британиядаги Гринвич қироллик обсерваторияси доктори Марек Кукула бу ихтиро борлиқ ҳаракатини тушунтириш учун «номаълум борлиқ» тушунчасини кераксиз, дея таъкидлаган.

Кироллик астрономик жамияти доктори Роберт Мессей ҳам мазкур изланишнинг аҳамияти тўғрисида гапирар экан, бошқа галактикаларда «кичик юлдуз»ларнинг топилиши жуда аҳамиятли бўлиб, агар юлдузлар Сомон йўлидагига нисбатан эллиптик галактикаларда кўпроқ учраса, улардаги юлдузлар «ёши» кексароқ бўлиши мумкинлигини тахмин қилмоқда.



БИОЛОГИЯДА ЯНГИЛИК

Илм-фаннинг барча соҳалари каби биологияда ҳам фавқуллодда юқори тезлик билан кашфиёт ва ихтиролар яратилмоқда. Шулар ичидан муҳимлари танлаб олиниб, энг сара ихтиролар рўйхати тuzилди.

«Сайентист» журналида берилган маълумотларга кўра, «Пэсифик Биосайнс» (АҚШ) компанияси томонидан ишлаб чиқилган генлар секвенираторининг учинчи авлоди мана шу рўйхатда биринчи ўринни банд қилган.

700 минг долларга баҳоланаётган ушбу ДНК анализатори битта молекула асосида ҳам тўлиқ ДНК таҳлилини чиқариб бера олиши билан аҳамиятлидир.

«Сигма-Олдрич» компаниясининг биокимёвий ва органик кимёвий тадқиқотлари натижалари ҳам рўйхатдан ўрин эгаллаган бўлиб, мазкур изланишлар фармацевтика компанияларида амалиётга жорий қилинган.


Яна битта ўзига хос ихтиро Масса-чусетсдаги «И-Эм-Ди Миллипор» компанияси томонидан ишлаб чиқилган хужайралар миқдорини ҳисобловчи асбобдир. Бундан ташқари, электрон термометр ва шприц хусусиятларини ўзида мужассамлаштирган суйри (ҳаво, суюқлик, кам қаршилиқ кўрсатадиган) асбоб фанда ўзига хос қурилма сифатида эътироф этилмоқда.



СУПЕР ФОТОНЛАР «МУЗЛАТИБ» ОЛИНАДИМИ?

Олмон физиклари компьютерларнинг янги авлодини яратишга имкон берувчи супер фотонни ихтиро қилишди. Бонн университети олимлари бутунлай янги турдаги фотонлардан иборат ёруғлик манбасини яратишди. Бу усул келажакда рентген ёруғлик диапазонида ишловчи лазерга ўхшаш янги ёруғлик манбаси яратишда қўл келиши мумкин. Physorg.com сайтида тадқиқот тўғрисида хабар берилган.

Рубидий атомлари ўта совуқ ҳароратда музлатилса, бир жойга йиғилиб, бир-биридан ажралмай қолади. Натижада, улар улкан «суперзарра» тарзида ҳаракатлана бошлайди. Физиклар модданинг бу агрегат ҳолатини «Бозе-Эйнштейн» конденсати деб аташди. Олдинлари бу назариянинг амалиётга татбиқ этилмаганига сабаб, тажриба жараёнида музлатилган фотонлар ўз ўзидан ғойиб бўларди. Ҳатто бир неча ой олдин ҳам музлатилган ёруғлик зарраларини йиғиш тадқиқотчилар учун имконсиздек туюларди. Лекин Ян Кларц, Жулиан Шмитт, доктор Франк Веунгер ва профессор Мартин Уейц соҳада бурилиш ясади.



Олимлар ўзида тасвирни юқори сифатда акс эттириш қобилиятига эга 2та ойна орасига орқа ва олдинги тасвирни акс эттирувчи фотонларни жойлаштириб, сиртлар орасида фотонлар тўқнашув орқали ҳосил булувчи пигмент молекулалар жойлашган суюқликни аниқлашди. Бу тўқнашувлар натижасида молекулалар «фотон»ларни ютиб, ташқарига чиқариб юборди. Бир-бирини совиштиш орқали ғойиб бўлиш ҳолати кузатилмайди. Бозе-Эйнштейн конденсати лазерга ўхшаб кетса-да, унинг лазерлардан афзалликлари талайгина.

— Ҳалигача тез тарқалувчи ёруғлик, жумладан, ультрабинафша ва рентген спектрларни юзага келтирувчи лазерлар яратилмаган. Бироқ Бозе-Эйнштейн конденсати ёрдамида шундай хусусиятга эга ихтиро амалга оширилади, — деди Ян Кларс.

ЙИЛНИНГ ЭНГ АҲАМИЯТЛИ ИХТИРОЛАРИ

«Time» журналида жорий йилнинг энг муҳим ихтиро ва қурилмалари рўйхати эълон қилинди. Уларнинг ичидан венгер автомобили, пластик бутилкалардан ясалган катамаран (умумий палуба билан бирлаштирилган икки корпусли кема) ва фалаж бўлиб қолган инсонлар учун махсус ишлаб чиқилган кўзойнак бор.

«Технология» йўналиши бўйича «iPad» планшет компьютерлари аҳамиятли деб топилди. Планшет компьютерлар 2002 йилдан ишлаб чиқарила бошлаган, аммо уларда «iPad»даги каби қулайликлар мавжуд эмас эди. «Транспорт» йўналиши бўйича венгер автомобили «Antro Solo» голиб бўлган. Эътиборлиси, у қуёшдан энергия олиш хусусиятига эга бўлиб, батарея захираси анчагача етади. Машина бир марта қувватланганида 15—25 километргача ҳаракатлана олади. Узоқ сафарлар чоғида бензин ёрдамида ҳам ҳаракатланиш имкони мавжуд. Биргина кичик камчилиги шундаки, унинг кондиционери йўқ. Ҳозирча «Antro Solo»нинг сотувга чиқиш ёки чиқмаслиги аниқ эмас.

Янги зеландиялик ихтирочи Гленн Мартин яратган реактив ранец(сафар ҳалта)ни илгари келажак ҳақидаги фантастик фильмларда кўрган бўлишингиз мумкин. Бу ихтиро орқали атиги 30 дақиқада икки ярим километр баландликкача кўтарилиш мумкин. Шунингдек, ўн икки ярим минг пластик бутилкадан ташкил топган кема-катамаран голиблар сафидан жой олди. Дэвид де Ротшильд бошчилигида яратилган «Пластиклар» номли бу катамаран Тинч океани сатҳида 17 минг километр масофага қадар ҳаракатланган.

Тиббиёт соҳасида 2010 йилги муҳим ихтиро деб «Eyewriter»(ёзувчи кўз) кўзойнаги топилди. У бутунлай фалаж бўлиб қолган инсонларга ҳам атрофдагилар билан мулоқот қилиш имконини яратади. Кўзойнак инсон кўз соққасининг ҳаракати билан ҳисоблашади. Шунингдек, биотехника соҳаси бўйича ҳам голиб аниқланган. Бу ҳақдаги батафсил ахборот pk.ru сайтида берилган.

ЎзДЖТУ халқаро журналистика факультети талабалари Ситора САИДОВА, Хулкар БЎРИЕВА ва Аброр УБАЙДУЛЛАЕВ тайёрладилар.

Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети бўш (вакант) ўринларга катта ўқитувчи, ўқитувчи лавозимларига танлов эълон қилади

➤ Рус тили; ижтимоий-гуманитар йўналишлар бўйича чет тиллар кафедралари катта ўқитувчилари.

Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:

1. Ректор номига ариза.
2. Ишловчининг шахсий варақаси.
3. Маълумоти, илмий даража, илмий унвони ҳақидаги диплом нусхалари.
4. Паспорт нусхаси.
5. Илмий ишлар рўйхати (факультет илмий котиби томонидан имзоланиб, тасдиқланган ҳолда).
6. Малака ошириш тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси.

Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой муддатда қабул қилинади.



Манзилгоҳ:
Тошкент-174,
Талабалар
шаҳарчаси,
ЎЗМУ,
кадрлар бўлими.
Тел: 246-03-92

Тошкент давлат техника университети «Нефть ва газ» факультети томонидан 2007 йили Ҳамидов Фахриддин Рустамович номига берилган № 0173 рақамли талабалик гувоҳномаси ва рейтинг дафтарчаси йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси марказий кенгаши таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Фаргона вилояти кенгаши раиси Собирхон Саидхўжаевга акиси **СОЛИХОЖА**нинг вафоти муносабати билан таъзия билдиради.

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети қошидаги 3-сон академик лицей жамоаси академик лицейнинг ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари С.Ҳамидовага онаси **ОЙСОАТ** аянинг вафоти муносабати билан таъзия билдиради.

САНЪАТ МАЪНАВИЯТ ГУЛТОЖИ ЭМАСМИ?

«Марс» шоколади рекламасида «Бўшман!» ёзувли тах-тачани кўтариб, автоулов тўхтатаётган йигитчани кўрган-сиз. Унинг кейинги «манзили» ҳам сизга аён — бир аёл уни машинасида олиб кетади... Бунда нима тарғиб эти-ляпти, ҳеч ўйлаб кўрганмисиз? Фақат даҳшатга тушасиз, холос.


Ўзлимиз, ҳаётимиз бар-қарорлиги, бахтли келажак-гимизга хавф солиб турган мафкуравий таҳдидлар бугун тур-ли йўллар ва воситалар орқали «чегара»лардан ўтиб келмоқда. Мана шу «восита» ва «йўллар»нинг илк тарғиботчилари эса баъзи ҳолларда айрим хонанда, эстрада санъаткорлари бўлиб қолаётгани сир эмас.

Хонанда кизларимиз андишани четга суриб қўйиб, йигитларга «қалб изҳорлари»ни баён этиши-дан ташқари баъзи, қўшиқлар икки аёл гийбатининг куйга солин-ган варианты бўлиб қолаёпти! Уларга олинган клип сахналарини эса шартли равишда уч гуруҳга

Kuzatuv

ажратиш мум-кин: клиплар-ни «гимнастика машқлари», «кий-имлар намойиши», «замонавий ро-мео ва жульетталарнинг севги мо-жаролари». «Кимўзар»да ютқазиш-ни асло истамайдиган «санъаткор» лар қўшиқ айтиш давомида ўзини не кўйларга солмайди, дейсиз. Чўлу биёбонлар, Миср эҳромлари, турли русумдаги хориж автомобиллари, қўшиқ мазмунига мос бўлиши-бўлмаслигидан қатъи назар, улар ихтиёрида эканлиги кишини ўйга толдиради?

Латофат ИБРОХИМОВА,
ЎЗМУ журналистика факультети
талабаси



«Ma'rifat» Mahorat Maktabi

Siz nima deysiz?

ин дўкон айланамиз, қалай?

Шу дақиқада китобни то-пиш учун югурганларим ёдимга тушди, эгасининг «Фақат бир ҳафтага бери-шим мумкин», деган гапи қулоғим остида жаранглаб

КИМ ЗАМОНДАН ОРҚАДА?

Китоб ўқиётгандим, дугонам ке-либ, «шаҳар айланиш»ни таклиф қилди. Унга китобни ўқиб, эртага эгасига қайтаришим кераклигини, шаҳар бўйлаб саёҳатни эса бошқа кунга қолдириш мумкинлигини айт-дим.

— Эй, қизиқ гапларни гапирасан, китоб ўқиб олим бўларми-динг? — дедию, қўлимдан китоб-ни тортиб олди. Қилаётган иши тўғрилигига юз фоиз ишонган одамлардек, менга қараб, мағрур жилмайди. — Янги кино қўйила-ётган экан, шунга тушамиз, кей-

ўтгандек бўлди. Дугонамнинг қўли-даги китобни шартта юлиб олди-му, ҳеч нима бўлмагандек, ўтириб ўқишга тушдим. Тўғрироғи, ўқиёт-гандек кўрсатдим ўзимни.

— Ўзинг биласан, замондан ор-қада қолиб яшайвер унда!

Дугонамга, унинг ўткинчи ҳою хаваслар билан ўралашиб қолгани-га ачиндим. Айни пайтда мен учун қўлимдаги китобдан-да қизикроқ ҳеч нарса йўқ эди...

Гулрух ЖўРАЕВА,
ЎЗМУ талабаси

ОНАНГИЗ СИРДОШИНГИЗМИ?

Сир — инсон ҳеч ким-га айтолмайдиган, бироқ ёлғиз ўзига ҳам оғирлик қиладиган туйғу. У инсон бошидан ўтган, кўрган-кечирган воқеа, муаммо, ташвиш ёки қалб кечин-малари бўлиши мумкин.

Дейдиларки, сиринг-ни маҳкам тут, уни киши билмасин, сўзинг-дан ўзинга ўкинч кел-масин. Ҳатто ишончли дўстинга ҳам сир ай-тишда эҳтиёт бўл, ўзин-гда сақлаиб турмагач, бировда сақланармиди?

Донолар бежиз бун-дай дейишмаган. Аммо шундай пайтлар бўлади-ки, инсон ким биландир сирлашгиси, дардлашгиси, ичидагиларни тўкиб солгиси келади. Гоҳо шундай ишончли, содиқ кишини топиш мушкул бўлиб қолади. Кимдир дўстига, кимдир қарин-дошига, хуллас, яқинига сирини айтади. Аслида кимга кўпроқ ишонса бўлади? Ҳақиқий сир-дош, яъни фақат сиринг-изни эшитиб, уни ош-кор этмасдан, ўринли маслаҳат берадиган, тўғри йўлга бошлайди-ган инсон ким бўлиши мумкин?

Аксарият ҳолларда кизлар учун онаси, опа-си ёки дугонаси сир-дош бўлади. Лекин ора-мизда онасига ичидаги-ларни айтолмайдиган-лар ҳам топилади. Бун-га турли сабабларни кўрсатиш мумкин.

Дилдора, 18 ёш:

— Ҳамма каби менинг ҳам сирларим бор. Ай-ниқса, балоғат, ўсмир ёшида киз бола сирдош, ҳамдам, ҳамфикрга жуда муҳтож бўларкан. Сирларимни доим яқин

дугонамга айтаман. Баъзи ўртоқларим она-си билан худди дугона-лардек гаплашишади, сирлашишади. Уларга ҳавасим келади. Мен эса сирларимни онамга айтолмайман. У киши-нинг шундоқ ҳам таш-вишлари кўп. Мендан бошқа уч опа, укам бор, бу ёқда рўзгор юмушлар-и. Онам билан энди фурсат топиб, суҳбатла-шаман деганимда, чар-чаб, кўзларини уйку эли-таётганини кўриб, гаплар-имни ичга ютаман. Му-аммоларимни имкон қадар ўзим ҳал қилиш-га уринаман.

Азиза, 20 ёш:

— Онамдан кўра дуго-намга сир айтишни маъқул кўраман. У билан тенгдош бўлганимиз учунми, мени кўпроқ ту-шунадигандек. Онам доим фалончининг қизи-га ҳавасим келади, деб бошқаларни ибрат қилиб кўрсатади. Унга ўхша-маслигимдан, онамнинг орзу-ҳавасларини ушал-тиролмаётганимдан бат-тар сиқилиб, ўзимни гу-ноҳкор сезаман. Бу эса онам ва мен ўртамизда-ги яқинликка путур ет-казган.

Умида, 19 ёш:

— Мен сирларимни онамга айтишдан кўрқаман. У киши жуда қат-тиққўл. Шундай пайтлар бўлганки, сиримни айт-ганимда мени жеркиб, катта қиз бўлиб қолган-им, ношудлигимни ай-тиб, койиб берган. Бироқ бу дунёда адашмайдиган, хато қилмайдиган инсон йўқ-ку. Айниқса, ёшлиқда.

Севара, 24 ёш:

— Онам сериалларни жуда яхши кўради. Шу

боис ўқишдан келганим-да кўпинча телевизор то-моша қиламиз. Кундузи у киши ишда, мен ўқишда. Ҳаммамиз ўз ташвишимиз билан. Вақт эса ўтаверади.

Шу каби фикрларни тингларкансиз, уларда маълум маънода ҳақиқат борлигини англайсиз. Бироқ танганинг иккин-чи томони ҳам бор. Дугонангиз сирларингизни ҳеч кимга ошкор қил-масмикан? Унинг ҳам бошқа дугоналари, дўстлари бор. Сирларингиз, муаммоларингизни айтиб, фикр сўра-ганингизда тўғри мас-лаҳат бера олармикан? Ахир, у ҳам сиз каби ёш, тажрибасиз. Сирингизни сақлай олувчи дугона топиш бир бахт аслида. Лекин, фикрим-ча, она билан сирла-шишнинг йўриғи бошқа. Онангиз ҳаёт синовларини бошдан ўтказган, кўпни кўрган, сизни ҳаммадан ҳам яхшироқ биладиган, ўзига ҳеч бир манфаат кўзламаган ҳолда фақат камолин-гиз, сизнинг фойдангиз-ни ўйлайдиган зотдир. Бунга курсдош дугонам билан содир бўлган бир воқеадан сўнг амин бўлдим.

Дугонам деярли она-сига сирини айтмасди. Аммо бошига шундай иш тушдики, юрак ютиб, ай-тишдан бошқа иложи қолмади. У барибир мени тушунмайди, деб тагин ичида ўйлади. Онаси эса меҳрибон кўзларини тикканча дугонамнинг фикрларини ўқиётгандек у айтмоқчи бўлган гапларни айтар, курсдошим эса ҳайрат-

дан юм-юм йиғларди. У онасининг яна койиб бе-риши, айбларини таъна қилишини кутганди. Онасининг бунчалик меҳрибонлиги, ғамхўр-лиги, муҳими, тушунув-чанлигини хаёлига ҳам келтирмаганди. Онаси доим шундаймиди ё йиллар ўтиб, шундай до-нишманд аёлга айлан-дими? Дугонам ҳозирга-ча онаси билан сирдош бўлмаганидан, масла-ҳатлашиб иш қилмаган-дан афсус чекди. Балки, ўшанда ҳаётда камроқ хато қилган, адашган бўлармиди?!

Она ва қиз ўртасида кўринмас деворнинг ҳосил бўлиши муаммо-лар ўртасида қолиб, ечимини тополмаётган қиз учун катта йўқотиш-дир. Оналаримиз фар-зандлари тўқис яшаши учун елиб-югуради, юз-ларига ажин, сочларига оқ тушади. Лекин пайти келиб, катта моддий то-пишлар қизи қалбини кемираётган муаммо-ларни ҳал этишга ожиз-ни қилиб қолиши.

Истардикки, оналар ҳеч бўлмаса кунига бир марта қизининг кўзлари-га боқиб, кафтларини кафтларига олиб, юра-гига қулоқ солсалар, дилбанди сирларини ўртоқлашиши учун им-кон яратсалар. Зеро, кизлари сирдошга, ай-ниқса, унинг сирини ўзимнинг сирим, деб қабул қилиб, унга таъна тошларини отмасдан, дардларини ҳис этувчи инсонга жуда муҳтож.

Онажонлар, қизингиз билан сирлашинг!

Шоҳсанам НИЁЗОВА,
ЎЗДЖТУ талабаси

Бугун чоршан-ба!

Тала-баликнинг яна бир ташвишли кунини ортда қолди. Бугун дарсга тайёр бўлмаганим сабаб, ўқитув-чимиз саволларига жавоб берол-мадим... тушкунликка тушдим, бугунги воқеани омадсизликка, дангасаликка йўйдим. Барибир, айбдор ўзим! Кейин бутун дунё-да мендан-да бахтсиз одам йўқдек туюлди.

ЭРТАНГИ КУН УМИДИ

Аксига олиб, дардимни эшита-диган, ёрдамга қўл чўзадиган бир меҳрибон йўқ, таскин йўқ, далда йўқ. Тавба, ҳамма «йўқ»лар менинг атрофимни ўраб олгандай...

Яна «йўқ» дейман! Яхшики, эр-танги кундан умид бор! Эртанги кун бугунгидан яхшироқ бўлади! Шу сўзлар қатидаги умидворлик менга куч, ишонч бағишлайди.

Лиммо-лим алам билан тўлган кўнглим ҳам, гоҳо шодон, гоҳо но-лон дилим ҳам, ҳаётдан завқ олиб яшаётган юрагим ҳам умид билан яшайди.

Ўйлайман... Умид қилмаган, эрта-сига ишонмаган одамни қандай аташ мумкин?

Умидсизлик ўлим билан баробар, деган экан юнон файласуфларидан бири. Биласизми, гоҳо умидвор ин-сонларнинг ўлими муқаррар бўлса ҳам, умр шамчироғи узоқ вақт сўнмас экан. «Ҳатто қабр ёқасида ҳам умид бор», деб ёзган эди И.Гё-те. Чин дилдан ишонсанг, масқа-дингга эришасан, дейишади.

Эртасига умид қилиб, яхши ни-ятда ўғил-қиз тарбиялаб, уларнинг роҳатини кўраётганлар, эзгу амал-лари билан эл-юрт эҳтиромига са-зовор бўлаётганлар, бир сўз билан айтганда, ниятига яраша насибаси-ни олаётганлар талайгина. Уларга қараб ҳавасингиз ортади, умид билан яшаш нақадар яхши эканига ишонч ҳосил қиласиз.

Мен умидли инсонман! Умид билан яшайман! Яшаётган заминим тинч! Бир топшириқни бажаролмай, «паст» баҳо олдим дегани, ҳаёт ту-гади дегани эмас-ку! Аксинча, эр-танги дарсларимга тайёргарлик кўришим керак! Эртага «5» баҳо олишдан умидим бор!

Севара МУСАЕВА,
ЎЗДЖТУ талабаси

— Санжарбек Хўжамов нафақат спортда, балки мусиқа соҳасида ҳам ўзига хос истеъдодга эга. Унинг ўзи куй чалиб, кўшиқлар айтади. Бундан ташқари, барча фанлардан аъло баҳога ўқиши, намунали хулқи кишининг ҳавасини келтиради. Мен унда ёшига мос ҳар томонлама баркамолликни кўраман, — дейди у ўқиётган мактаб директори Сайёра Усмонова.

Faxr

СПОРТДА ВА ЎҚИШДА БИРЛАЙ ФАОЛ

Хатирчи туманидаги 7-мактабда таҳсил олаётган Санжарбек эндигина 7-синфда ўқиётган бўлишига қарамасдан анчагина ютуқларни қўлга киритишга улгурди. Бу ўз-ўзидан бўлмайди, албатта. Тинимсиз ҳаракат, мунтазам машқлар, интилиш ва сабр-тоқат бунга асос.

У олти ёшидан миллий кураш, самбо, эркин кураш каби бир неча спорт турлари билан шуғуллана бошлади. Кейинги йилларда Санжарбек мактаб, туман ва вилоят мусобақаларида тез-тез иштирок этадиган бўлди. Тез орада у малакали спорт мураббийлари назарига тушди. Ниҳоят, у спортнинг анъанавий каратэ-до турини танлаб, шу бўйича мамлакатимизда ўтказилган чемпионатларда фахрли ўринларни эгаллади. Икки карра Ўзбекистон чемпиони бўлган ёш спортчи Навоий вилоятида «2007 йилнинг энг яхши

спортчиси» номинациясига ҳам сазовор бўлди.

«Интилганга толе ёр», дейди халқимиз. Санжарбек спорт тўғрагига шунчаки қатнаб қолмай, тинимсиз равишда ўз маҳоратини ошириб борди ва 2007 йил каратэ-до бўйича ўтказилган Ўзбекистон биринчилигида фахрли 1-ўринни эгаллади. Шундан кейин у Ўзбекистон терма жамоасига аъзо бўлиб, Осиё чемпионатида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Санжарбек 2008 йили Тошкент шаҳрида ўтказилган тадбирда республикадаги энг кучли 14 нафар спортчи сафида «2008 йилнинг энг яхши спортчиси» номига сазовор бўлиб, олтин медаль соҳиби бўлди. 2009 йил ноябрь ойида Ҳиндистонда ўтказилган каратэ-до бўйича Осиё чемпионатида яна 1-ўринни эгаллаб, Осиё чемпиони бўлди ва ол-

тин медални қўлга киритди.

Бугунги кунда унинг ҳисобида 18та олтин ва бта кумуш медаль бор. Ҳали ёш бўлишига қарамасдан, шунча ютуқларга эришиш, голибликни қўлга киритгач, спортдаги фаолиятини тўхтатиб қўймасдан, мунтазам равишда шуғулланиб, ўз иқтидорини ошириб бориш анчагина куч, интилиш ва масъулиятни талаб этади. Ҳозирда у вилоят каратэ-до федерацияси раиси Толиб Тойиров мурабийлигида ишлаб, фақат галаба сари интилиб келаётди.

Ҳа, Санжарбек сингари юртимиз шарафини ҳимоя қилаётган зукко, иқтидорли ёшларимиз билан фахрлансак арзийди. Бебаҳо ёшликнинг олтин дамларида ўз келажиги учун пухта замин яратаятган бу йигит ўз эришяётган ютуқлари билан барча тенгдошларга ўртак бўлмоқда.

Раъно РАББИМОВА

САМАРҚАНДА СПОРТ ШОДИЁНАСИ

Самарқандда «Баркамол авлод йили» ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 18 йиллигига бағишланган спорт байрами бўлиб ўтди.

Мазкур тадбирда вилоятнинг барча туманларидан 400 нафарга яқин ўғил-қиз спортнинг мини футбол, стол тенниси, бадий гимнастика, шахмат ва шашка турлари бўйича ўзаро баҳслашди.

Xabar

Самарқанд вилояти ҳокимлиги маданият ва спорт ишлари халқ таълими бошқармалари, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вилоят филиали, «Ёшлик» ЖТСЖ билан ҳамкорликда ўтган ушбу биринчилик қизиқарли воқеаларга бой бўлди.

Умумжамоа ҳисобида зафар қучганлар орасида Самарқанд шаҳри, Булунгур, Ургут туманлари вакиллари бор. Голиб ва совриндорларга ташкилотчилар томонидан таъсис этилган диплом, кубок ва эсдалик совғалари топширилди.

Мамажон АХМЕДОВ, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спорт устози



КЛИЧКО ЖАРОҲАТ ОЛДИ

Оғир вазн тоифасидаги украиналик боксчи Владимир Кличко белгиланган жангни жароҳати туфайли қутилмаганда бекор қилгандан хабарингиз бор. Номзодлар орасида икки нафар британиялик боксчи — Дэвид Хэй ва Чисор ҳамда польшалик Томаш Адамек бор.



Маълумки, Кличко ва Чисор ўртасидаги учрашув Германиянинг Мангейм шаҳрида 11 декабрь кuni ўтказилиши режалаштирилган. Бироқ жангга уч кун қолганда, машғулот вақтида Кличконинг қорин бўшлиғи шикастлангани ҳақида хабар тарқалди.

Дерек Чисор профессионал рингда 14та жанг ўтказган ва уларнинг барчасида галаба қозongan. Д.Хэй WBA таснифида оғир вазн тоифасида жаҳон чемпиони. Т.Адамек эса 79,4 дан 90,9 килограммгача бўлган вазн тоифасида жаҳон чемпиони бўлган, 2009 йилдан бошлаб оғир вазн тоифасидаги боксчилар қаторидан жой олди.

Кичик Кличко IBF ҳамда WBO таснифларида жаҳон чемпиони саналади.

1/8 ФИНАЛ ИШТИРОКЧИЛАРИ МАЪЛУМ

Яқинда футбол бўйича ўтказиладиган Европа чемпионлар лигаси гуруҳ босқичининг энг сўнгги учрашувлари ўз ниҳоясига етди. Унда ним чорак финалга йўлланма олган 16та клуб номи маълум бўлди.

Улар ўз гуруҳларида биринчи ва иккинчи ўринни эгаллаган ҳолда шартли равишда қуйидагича тақсимланди, 1-саватчада: «Тоттенхэм», «Шальке-04», «Манчестер Юнайтед», «Барселона», «Бавария», «Челси», «Реал» ва «Шахтёр»; 2-саватчада: «Интер», «Лион», «Валенсия», «Копенгаген», «Рома», «Марсель», «Милан» ва «Арсенал».

Шартли равишда тузилган саватчалардаги клублар 17 декабрь кuni бўлиб ўтадиган қуръадан кейин маълум бўлади. Эслатиб ўтамиз, қуръа ташлаш вақтида бир мамлакат клублари ёки бир гуруҳдан ним чорак финалга чиққан жамоалар ўзаро рақибга айланмаслиги таъминланади.

НАКАМУРА КРАМНИКНИ ЕНГДИ

Шахмат бўйича собиқ жаҳон чемпиони Владимир Крамник Лондонда ўтказилаётган шахмат бўйича супертурнирнинг иккинчи босқичида америкалик Хикару Накамурога енгилди.



Оқ дончаларни ҳаракатлантирган Крамник 41-юришга келганда хатога йўл қўйди ва мағлуб бўлди. Норвегиялик Магнус Карлсен британиялик Майкл Адамсга доғда қолдирди. Амалдаги жаҳон чемпиони — ҳиндистонлик Вишванатан Ананд яна бир инглиз спортчиси Дэвид Ха-

муэллга қарши дона суриб, дуранг натижа қайд этди. Турнирда ҳозирча инглиз шахматчиси Люк Мак Шейн етакчилик қилиб турибди. У ҳамюрти Найжел Шорт устидан зафар қучди. 2-босқичдан сўнг шахматчилар қуйидагича ўрин эгаллаган: Мак Шейн ҳисобида 6 очко; Накамурога 4; Крамник, Карлсен ва Адамсда 3; Анандда 2; Хауэллда 1 очко бор, Шорт ҳисобида эса ҳали натижа йўқ.

Ютуқ жамғармаси 145 минг еврони ташкил этувчи «London Chess Classic» супер турнири 15 декабрда ўз ниҳоясига етади.

КЎРГАЗМАЛИ МАТЧ ГОЛИБАСИ

Белгиялик теннисчи Ким Клейстерс Антверпен шаҳрида мухлислар учун ўтказилган кўргазмали матчда ҳамюрти Жюстин Энен устидан уч сет натижасига кўра, 6:1, 3:6, 10:5 ҳисобида галаба қозонди.

Ушбу матчдан аввал ўтказилган матбуот анжуманида бу икки нафар таниқли ракеткачи 2012 йили Лондонда ўтказиладиган ёзги Олимпиадада бирга қатнашишни орзу қилаётганини билдиришган. Улар жуфтлик баҳсларида бирга кортга чиқса, ҳар қандай рақибга ҳам жиддий қийинчилик туғдириши аниқ.



Антверпенда ўтказилган турнир доирасида белгиялик теннисчи Янана Викмайер италиялик Франческа Скьявона устидан 7:5, 6:4 ҳисобида устунликка эришди.

Ш.НАРЗУЛЛАЕВА тайёрлади.

ТАНЛОВГА ТАКЛИФ

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги 2011-2012 ўқув йили учун қуйидаги ўқув фанлари бўйича такомиллаштирилган Давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурлари асосида қуйидаги муаллифлар ўртасида 4-,5-,8-,9-синфлари учун дарсликлар ва ўқув-методик комплексларини ишлаб чиқиш бўйича

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

2011-2012 ўқув йили учун танлов асосида яратиладиган дарслик ва ўқув-методик комплекслар рўйхати

Т/р	Дарслик номи	Синфи	Муаллифлари
1	Русский язык (ўзбек ва қардош тилларда)	4	О.Қодирова, Х.Болтабоева. З.Абдурасулова ва б. Р.Аҳмедова, Н.Рўзиева.
2	Русский язык (ўзбек ва қардош тилларда)	5	М.Безрукова, О.Жаркинбаева. О.Қодирова, Х.Болтабоева. Г.Гасилова, С.Магдиева.
3	Тасвирий санъат (барча тилларда)	4	Р.Ҳасанов, Х.Эгамов. А.Сулаймонов, И.Раҳмонов, З.Сулаймонова.
4	Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари (барча тилларда)	8	Б.Болтаев, А.Азаматов, А.Асқаров, М.Содиқов, Г.Азаматова. А.Абдуқодиров, Р.Боқиев, М.Ашуров, Б.Каримов. Ф.Закирова, М.Михридинова.
5	Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари (барча тилларда)	9	Б.Болтаев, А.Азаматов, А.Асқаров, М.Содиқов, Г.Азаматова. А.Абдуқодиров, Р.Боқиев, М.Ашуров, Б.Каримов. Ф.Закирова, М.Михридинова.

Танлов Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги ҳамда Халқ таълими вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган тартиб-қоидалар асосида ўтказилади.

Танловда иштирок этувчи муаллифлар гуруҳлари тайёрлаган дарслик ва ўқув-методик комплексларнинг тўлиқ ишлаган нусхалари ва ҳужжатларини 2011 йил 11 апрель кuni Тошкент вақти билан соат 14:00 га қадар топширишлари керак.

Танловда қатнашаётган муаллифлар гуруҳлари танлов ҳужжатларини 2010 йил 13 декабрдан бошлаб ҳар кuni (шанба ва якшанба кунларидан ташқари) Тошкент вақти билан соат 14:00 дан 18:00 га қадар қуйида кўрсатилган манзилдан олишлари мумкин.

Тошкент шаҳар, Фурқат кўчаси, 174-уй, Республика таълим маркази.
Тел: 227-04-12, 245-18-50, 239-14-01, 239-40-81.

Танлов таклифлари 2011 йил 11 апрель кuni соат 15:00да барча иштирокчилар вакиллари иштирокида очилади. Танловга кечикиб топширилган таклифлар очилмаган ҳолда иштирокчиларга қайтарилмайди.



КИЧКИНТОЙЛАР ҚАЛБИДА МАЎСУМИЙ

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 18 йиллиги муносабати билан мамлакатимизнинг барча таълим ва тарбия муассасаларида турли байрам тadbirlari, учрашувлар, очик дарс ва давра суҳбатлари ташкил этилди. Уларда болажонлар Бош Қомусимизнинг ҳаётимизда тутган ўрни, ҳуқуқ ва бurchларимиз тўғрисидаги билимларини такrorлаб, янада мустаҳкамладилар.

Ана шундай тadbirlардан бири пойтахтимизнинг Шайхонтохур туманидаги 588-мактабгача таълим муассасасида бўлиб ўтди. Кичкинтойлар ижросидаги миллий кўшиқ ва рақслар, давлат рамзлари — герб, мадҳия, байроқ ҳақидаги шеърлар, Конституция моддалари таърифи тadbирга ташриф буюрган маҳалла фаоллари ва ота-оналарни хурсанд қилди.

—Мазкур тadbирни ташкил этишда тарбиячиларнинг алоҳида ўрни бор, — дейди муассаса раҳбари Умида Абдуллаева. — Улар эртақ, ривоят, сахна кўринишлари, шеър ва кўшиқлар орқали кичкинтойларда миллийлик ҳақидаги тушунчаларни мустаҳкамлаб борадилар. Бугунги тadbирда ҳам тайёрлов гуруҳи тарбияланувчилари тарбиячи Барно Исҳоқова бошчилигида шу кунгача олган билимларини меҳмонларга намойиш этишди. Бу, албатта, бизга ҳам, ота-оналарга ҳам қувонч бағишлади.

МУХБИРИМИЗ



БЕЛЛАШУВДА ҲУҚУҚИЙ БИЛИМЛАР АКС ЭТТИРИЛДИ




билимларини акс эттириб бордилар, — дейди мактабнинг ҳуқуқ фани ўқитувчиси Мухайё Аҳмедова. — Бугунги кунда жамиятимизда маънавий-маърифий соҳада амалга оширилаётган ислохотлар, ёшларга берилётган имкониятлар ҳам танлов шартларида ўз ифодасини топди.

Танловнинг “Беллашув” шартида фақат ўқитувчилар қатнашди. Бунда қайси жамоа устози фаолликни ошириб ўз билимини ўқувчиларига ўргата олса, голиб чиқиши мумкинлиги эътиборга олинди. Навбатдаги шарт — “Конституция ва биз”, унда белгиланган моддаларга изоҳ берилди.

Тadbирнинг сўнгги шarti «Ижодий топшириқ» бўлиб, иштирокчилар моддалардаги изоҳларни кластер усулида бажаришди. Голиблар мактаб раҳбарияти томонидан тақдирланди.

Тadbирда ўқитувчилар ва ўқувчиларнинг маҳорат билан ижро этган ҳар бир чиқиши йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

Ҳамза туманидаги 149-мактабда ташкил этилган байрам тadbирини бошланғич синф ўқувчилари фаол иштирок этиб, Конституциянинг таълим олиш, маданий ёдгорликларни, атроф-муҳитни асраб-авайлашга бағишланган моддаларини ёддан айтиб, мазмунини тенгдошларига таърифлаб бердилар. Тadbир якунида бошланғич таълим ўқитувчиси Шоира Камолова 3-“В” синф ҳамда Малоҳат Асадова раҳбарлигидаги



2-“В” синф ўқувчиларининг фаоллиги алоҳида таъкидланди.

Анвар ҚОБИЛОВ,
«Ma'rifat» мухбири

Суратларда: пойтахтимиздаги 303- ва 149-мактабларда ташкил этилган тadbирдан лавҳалар.

Бурҳон РИЗОҚУЛОВ олган суратлар.

Сергели туманидаги 303-мактабда Конституциямизнинг 18 йиллигига бағишланиб байрам дастури ташкил этилди. Айниқса, қонун устуворлигига оид шиорлар, “Конституция — бахтимиз пойдевори” танловида голиб бўлган ўқувчилар томонидан тайёрланган деворий газеталар, расмлар ҳамда ўқитувчиларнинг ижодий ишлари тadbирнинг қизиқарли ўтишини таъминлади.

— Ўқувчилар ўзлари ўзлаштирган ҳуқуқий

<p>Ma'rifat</p> <p>ТА'СИС ЕТУВЧИЛАР: Ўзбекистон Халқ та'лими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва о'рта maxsus та'лим вазирлиги, Ўзбекистон Та'лим ва fan xodimlari kasaba uyushmasi Markaziy Kengashi.</p>	<p>Bosh muharrir: Abdusamat RAHIMOV</p> <p>Tahrir hay'ati: Jumanazar BEK-NAZAROV, Baxtiyor DONIYOROV, Bahodir JOVLIYEV (bosh muharrirning birinchi o'rinbosari), Akmal ISLOMOV (mas'ul kotib), Mahmuda MURZAYEVA, Husan NISHONOV (bosh muharrir o'rinbosari), Ulug'bek TOSHKENBOYEV, Nurlan USMONOV (bosh muharrir o'rinbosari, “Учитель Узбекистана”), Aleksey CHUKARIN (mas'ul kotib, “Учитель Узбекистана”), Sa'dulla HAKIMOV.</p>	<p>Gazeta Ўзбекистон Matbuot va axborot agentligida № 0067 raqam bilan ro'yxatga olingan.</p> <p>ИНДЕКС: 149, 150. G-1122. Tiraj 26533.</p> <p>Hajmi 4 bosma taboq. Ofset usulida bosilgan, qog'oz bichimi A-3.</p> <p>Navbatchi muharrir: Halkar TO'YMANOVA. Navbatchi: Sherali NAMOZOV.</p>	<p>«Ma'rifat» dan materiallarni ko'chirib bosish tahririyat ruxsati bilan amalga oshirilishi shart. Tahririyatga yuborilgan materiallar muallifga qaytarilmaydi.</p> <p>MANZILIMIZ: 100083, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32.</p> <p>E-mail: info@marifat.uz Web-site: www.marifat.uz</p> <p>TELEFONLAR: mas'ul kotib—233-99-15, umumiy o'rta va maktabgacha ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-53-16, fan, oliy va o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi yangiliklari bo'limi — 236-54-03, adabiyot, madaniyat, kasaba uyushmalari hayoti yangiliklari bo'limi — 236-54-69, ma'naviyat va maktabdan tashqari ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-54-23, siyosat, xalqaro hayot va sport yangiliklari bo'limi — 236-55-58, reklama va marketing bo'limi — 233-42-92(faks), 236-54-17.</p>	<p>Bahosi sotuvda erkin narxda</p> <p>Dizaynerlar: Liliya BINASHEVA, Malohat TOSHOVA.</p> <p>«Sharq» nashriyot-matbaa aksionerlik kompaniyasi bosmaxonasi.</p> <p>Korxonada manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy</p> <p>Bosishga topshirish vaqti — 21.00. Topshirildi — 06.20 Yil yakuni — 05.35</p>
---	--	--	---	---